

ОДАМГАРЧИЛИК БЕШИГИ



Қадим-қадимдан маҳалла инсонийлик кўзгуси, одамгарчилик бешиги ҳисобланади. Инсон энг аввало оилада, кейин эса маҳаллада ўсиб улғаяди. «Маҳалланг ота-онанг» деган гап бежиз айтилмайди. Шу боис ҳам бошқарувнинг куйи бўғини ҳисобланган маҳаллаларга, уларнинг фаолиятини жонлантириш ва мувофиқлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳукумат сиёсати даражасидаги масалага айланиб қолгани ҳам ана шундан.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Наврўз» маҳалласида тўрт ярим минг аҳоли яшайди. 1500 дан ортиқ оила бор. 19 та кўп қаватли уй ва Тошкент тажриба-механика завоидига қарашли 20-ишчилар ётоқхонаси ҳам маҳалла таркибига кирadi.

Мана 18 йилдирки, Тўхтамурод Акбаров маҳалла оқсоқоли, кўпга бошқош. У кишининг асл касби — ўқитувчилик. Ўттиз саккиз йил ўрта мактабда ёш авлодга таълим-тарбия берган, бешта фарзандга ота, 15 та неварарага суюкли бобо. Шундан ортиб маҳалла-кўйга меҳр-мурувват улашади, кўлидан келган ёрдамини аямайди. Тўхтамурод аканинг яна бир фазилати шундаки, у киши кундалик газеталарни синчиклаб ўқиб янгиликлар билан танишиб боради. Айниқса, «Оила ва жамият» газетасининг ашаддий мухлиси.

Суратда: маҳалла оқсоқоли Т. Акбаров ўз оиласи аъзолари билан.

Мухбиримиз Миробид МИРСОДИҚОВ

УШБҲ СОИДА

2-бет



Тишларим билан
сурат чизаман

ЎЗДИГИМИЗ ЎЗ ҚУПИМИЗДА

2-бет




3-бет



БУ КЕЧУВМИ? Ё...

САБР ВА КАНОАТ БЕКАТИ



7-бет

ҚАЙНОНАЛИ КЕЛИН — ҚАРҚАРА КЕЛИНИМИ?



7-бет

Тарих саҳнасида ҳар бир миллат, халқнинг инқирозлари ва тараққиёт чўққилари бўлади. Хусусан, ўзбек халқи маданияти, илм-фани, беқиёс умуммиллий қадриятлари билан тарих шохсупасига бир неча бор кутарилган ва кутарилмоқда.

Хуруфот, босқинчилик урушлари вайронагарчиликлари, таъиқларига қарамай ўзлигини, тарихини ва жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини асори-атиқаларида сақлаб қолган миллатлардан бири — ўзбеклардир.

Тарихчи олимлар «ўзбекларни» кўчманчи дашт қабила бўлиб, 12-асрда миллат сифатида шаклланишини эътироф этадилар. Аслида ҳам шундайми? Бизнингча йўқ. Вақт ва воқелик доимо тарихга ўзининг қашқатқин таъсирини ўтказган. Ислоботга ҳолат бўлмаган бир ҳақиқат бор — у ҳам бўлса асрлар давомида бир миллат иккинчи бир миллат билан бириктирилган. Миллий негизи мустақим бўлган миллатгина ўз тили, урф-одати ва қадриятларини авлоддан-авлодга етказиб, жаҳон ҳамжамия-

тида яна ўзлигини сақлаб қолган. Руму ва араб ҳамда мангул истилосига, унинг азобларига сабр-тоқат ва мардонавор дош берган ва охири-оқибат яна ўзлигини тиклаб олган миллат ҳақида

ЎЗЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ҳар қанча гапирса арзийди.

Президентимиз Исро Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар, ёзувчилар ва матбуот вакиллари билан бўлган учрашувда бизга сохта эмас, ҳаққоний тарихий ҳақиқат зарурлиги ҳақида кўйиб гапирдилар. «Тарихи бут халқнинг келажиги ҳам бут бўлади», деди Президентимиз.

Бу гап аниқки, олимларимиз, ёзувчиларимиз, «Туртинчи ҳокимият» вакиллари, Ватан, миллат туйғусини ҳар нарсадан улуг деб билувчи ватандошларимизга қарата айтилган даъватдир.

Ватан тарихи — оила, маҳалла, жамият тарихи билан чамбарчас боғлиқлигини эътироф этиш жоиздир. Аввало, биз ўз оила шажа-

рамиз, ўзимиз ва ҳар бирини унчун устивор бўлган Ватан тарихини муқаммал билишимиз зарур. Президентимиз ўз мулоҳазалари баънида ана шу фикрни илгари сурдилар.

Бир неча йил аввал Олмоннинг «Корл фон ферлаг» нашриётининг буюртмаси билан «Марказий Осиё» китобига маълумотлар туپлаш жараёнида қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлгандим. «Тупроқ қалъа», «Кўй қирилган қалъа»лар ҳақида маҳаллий аҳоли ҳеч нарсга билмайдди. Аммо профессор Шумайхер ва туркшунос олим Барбара Келлер хонимнинг юртимиз тарихи ҳақида кўп нарсга билишлари мени ҳам қувонтирди, ҳам хижолатга солди.

Бургут қалъанинг муъжаз андозасини кўрсатиб: Бу шаҳарда эразмиздан аввалги минггинчи йилда хоразмлик ўзбеклар яшаган, — дейди профессор Шумайхер. Президентимиз Ўз-

бекистон тарихининг ўзагини Хоразм улқаси билан боғлаганларида чўқур маъно бор.

Плутархнинг ажойиб бир ибораси ҳам айнан Хоразмга алоқадорлигини қайд

этиш ўринлидир. «Яхундилар тигни пеш қилганларида ёлғинлар донолик байрогини даст кутарганлар». Айнан ёлғинлар Хазар ва Ўғиз яъни Каспий ва Орол денгизлари оралигидаги Ўстки юрт ерларида макон курганлар. Ёлғинлар алифбоси илк алифбодир. Ёлғинлар турк қавмларининг, баъзи ўзбекларнинг энг аввалги улугларидан бўлиши ҳақиқатга яқин деб ўйлаймиз.

Хоразмнинг лугавий маъноси «Кўёшли улқа», яъни Хвайразаминдир. Хвайра — кўёш, замин — улқа... албатта, бу эътирофни кўшимча тарихий манбалар асосида яна бир бор таҳлил этиш лозим.

Айнан ўзбекларнинг вата-

ни илк Ренессанс — Уйғониб даврнинг доиси бўлган.

Меъморчилик, тиббиёт, астрономия, математика ва бошқа аниқ фанлар айнан шу заминда шаклланиб ва ривожланган.

Дарҳақиқат, тарих бир жумбоқ ва унинг ҳаққоний инъикосини баён этиш учун биз аждодларимиз қолдирган бой тарихий меросни ҳали куп урганишимиз лозим. Бу эса ўз навбатида ўзлигимизни англаш, «ким эдигу ким бўлди» саволига аниқ жавоб топиш учун устивор пойдевор бўлади.

Президент Исро Каримов Самарқанд сафари чоғида буюк бобомиз Амир Темур бунёд этган ҳар бир меъморий бино улкан тарихимизнинг тирик инъикоси эканини яна бир бор таъкидладилар. Уларни қайта таъмирлаш жараёнида аждодларимиз санъатини илоҳи борица асл ҳолатда сақлаш жоизлигига урғу бердилар.

Ватанимиз тарихи — утган, бугун ва келажак кунларимиз ҳақида ҳар биримизнинг ўз тарихномамиз бўлиши керак.

Музаффар МИРЗО

ДАРДДАН ҒОЛИБ КЕЛИБ



«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Ўзбекистон ногиронлар жамиятидир.

Семинар очилиш маросимида ва унинг ишида «Енгра» Халқаро инсонпарварлик жамғармаси бош директори Че Бьенг СУ, Ўзбекистон ижтимоий-таъминот вазири Б. Умурзоқов, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси раиси Г. Йулдошева, Республика Болалар жамғармаси раиси И. Юсупова, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари С. Хужаева, Ўзбекистон Бадий академияси академиги Р. Чориев, Корея республикаси университети профессори — доктор Ким Чанг Хан, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси С. Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Анжуманда ногирон болалар уртасида ўтказилган бадий танлов ғолиблари аниқланди. Оёқ-қўллари ишламайдиган, лекин тишлари билан расм чизадиган андижонлик Миродил Болтабоев «Қахрамонлиги ва мардлиги учун» деган алоҳида номга лойиқ топилди. Шунингдек сирдарёлик Нигора Эшбоева — 1-урин, бухоролик Ситора Муродова 2-урин, қирғизистонлик Оля Папка 3-урин берилди.

— Бу тугма ногирон болаларнинг ҳаётга бўлган муҳаббати, ишончи инсон қалбини ларзага солади. Уларнинг ҳаммаси ҳам истеъдодли. Қобилият жиҳатидан бошқа соғлом болалардан фарқ қилмайди. Биз бу болаларни алоҳида ўз тарбиясизга олишимиз, жамиятимизнинг фол иштирокчилари бўлиб етишувлари учун хизматимизни, вақтимизни аямаслигимиз керак — дейди танлов раиси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги Рузи Чориев.

Тадбир сўнгида унда иштирок этган барча болаларга ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз Р. Нуриддинов олган сурат

Ахборот

ЭНГ ҚУДРАТЛИ ТҮСИҚ — ОДАМИЙЛИК

«Ўт балосидан, сув балосидан асрасан илойим» — дейдилар кексалар дуога қўл очиларкан. 7 июлдан 8 июлга ўтар кечаси Фарғонанинг Шохимардон қишлоғи сув тошқинига учради. Табиий офат ўз йўлида дуч келган ҳеч нарсани аямади. Ўз қудрати билан оламга нур таратувчи, жонзоду усимликларни яшнатувчи, қалбларни мунаввар этувчи табиат қаҳру-ғазаби ҳам худди шу даражада эканлигини ошқор қилди. Бу фожиа, бу талафот оқибатида унлаб инсонлар ҳаётдан куз юмдилар, халқ хужалигига катта талафот етказилди. Қони-жони инсонийликка йўғрилган халқимиз оғир ғам-қайғу чекиди.

Президентимиз Исро Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзолари фожиа юз берган жойда бўлиб, тошқин оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган ишларни қўздан кечирди. Президентимиз вазирликлар, ташкилотлар раҳбарларига бузилган йўللار, иморатларни зудлик билан қайтадан тиклаш, энг муҳими одамларнинг турмушини изга солиш, соғ-саломатлигини сақлаб қолиш юзасидан маслаҳат ва йўл-йўриқлар берди.

— Аввало, фождидан бевосида азият чеккан оилаларни, одамларни номма-ном аниқлаб, уларга қўлимиздан келганича моддий-маънавий ёрдам кўрсатаялик. Биз тарихан жамоа фол, шодлигимизни ҳам, қайғу-ғамни ҳам бирга тортиб, биргаликда енгиб келадиган халқимиз. Халок бўлган одамлар — қон-қардошларимиз пок руҳига атаб дуойи фотиҳа ўқийлик, тангри-таоллодан қилган гуноҳларимиз учун кечирилиш илтижо қилиб сўрайлик, — деди Исро Каримов.

Ўз мухбиримиз

ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ОСОН БЎЛМАДИ

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида «Энг намунали оила» кўрик танлови бўлиб ўтди.

Кўрик танловда Ангрен шаҳридан Исомиддинов, олмаликлик Меҳмононов, Оҳангарон шаҳридан Худоевров, пскентлик Мирзарамимов ҳамда Оҳангарондан Ориповлар оилалари иштирок этиб, ўзаро беллашдилар.

Тўрт босқичда, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтказилган ўшбу танловда ғолибларни аниқлаш ҳайъат аъзолари учун осон бўлмади. Улар ҳар бир оиланинг чиқишини ҳисоблаб баҳоладилар. Оҳангарон ҳамда Ангрен шаҳридан Худоевров ва Исомиддинов оилалари юқори натижаларга эришиб, вилоят кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Кўрик-танлов сўнгидан барча оилаларга вилоят «Экосан» халқаро жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Олтин мерос» жамғармаси ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрликлари топширилди.

Абдурафиқ МАҲКАМОВ

Акс садо

«БИЗ «ДОДА» ДЕЙМИЗ. СИЗЧИ?»...

(«Оила ва жамият», 23-сон)

Биз — фарғоналиклар деярли адабий тилда сўзлашамиз. Лекин фарғонача шевада айтиладиган баъзи бир атамаларимиз ҳам бор. Хусусан, биз қариндош уруғларимизни қўйидаги номлар билан атаймиз.

Ота — дада.

Она — ая.

Отанимнинг отаси — катта дада ёки опоқдада. Отанимнинг онаси — опоқбуви ёки буви.

Отанимнинг онаси — буви.

Бувиимнинг онаси — катта буви.

Отанимнинг тоға, амакилари — опоқдада.

Отанимнинг тоға, амакилари — тоға.

Отанимнинг хола, аммалари — опоқбуви.

Отанимнинг хола, аммалари — хола.

Катта амакиимнинг рафқаси — катта ая.

Кичик амакиимнинг рафқаси — келин опа.

Катта тоғамнинг хотини — опоқ ая.

Кичик тоғамнинг хотини — келин опа.

Фарғона томонларда ҳеч ким отасининг отасини «бува» деб қақирмайдди. Балки «опоқдада», «опоқи», «ота», «катта дада», «бобо» деб аташ русм бўлган. Онасини «буви», бувисини эса «катта буви» ёки «эна» деб аташди.

Н. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон тумани

Шукр ХОЛМИРЗАЕВ

БУ КЕЧУВМИ? Ё...

Бу воқеа Қизилсув бўйларига кечган. Сурхон дарёсининг юқори оқими шу номдан аталади. Афтидан, энг тўғри атама шу: уша оқимдаги сув, дарҳақиқат, қизғиш бўлиб, кишига галати таъсир қилади: юқоридан қонли бир наҳр унга келиб қўшилаётгандай туюлади. Аммо маълумки, у қизил туپроқли қирлар бағридан ўтади.

Хуллас, ана шу дарёнинг ҳам қирғоқларида қабилалар яшар экан: у қирғоқда — бир қабिला, бунисида — бошқаси. Улар асосан қоравдор бўлиб, деҳқончилик билан ҳам шуғулланар, бир-бирлари билан борди-келдилари бор: тўй-ҳашамларига таклиф этишар, аза-маросимларда ҳам бир-бирларини йўқлаб туришар, умуман, тинч-тотув яшар эканлар. Тўғри, қўпқари маҳаллари ёки полвонлар кўраш тушайтганда, тарафқашлик бўлиб кетар, ҳар бир тараф уш қабиласининг ёнини олар, баъзида шу асно туполонлар ҳам келиб чиқар, аммо оқсоқоллар бу англашил-мовчиликларни бартараф қилишаркан.

Хўш, улар орасида қиз бериб — қиз олиш ҳам бор, бироқ шарт шўлки, углон қизни отда олиб қочиши ва уртадаги дарёдан ўтказиб кетиши лозим экан.

Бу одат улкамизнинг кўп минтақаларида қадимдан бўлган. Кавказ томонларда эса — ҳалиям бор, аммо бу шунчаки «ёқимли бир урф» бўлиб қолган. Одатда, «қелишув» йули билан амалда оширилади: куёв бола қўлга тушса, шунчаки изза бўлади, холос.

Ушанда Қизилсув бўйларига эса...

Бир тўйда (чап соҳилдаги қабिला тўида) қўпқари бўлади. Унг соҳилдан ҳам иззалаб отилиқлар дарёни кечиб ўтиб боришади. Қўпқари айни қизиган чоғида кўр атрофда қорабайирли бир қиз пайдо бўлади ва қўлига теккан улқонни тақимиға босаёқ отни қичаб ҳайдайди. Бу от тулпорлар наслидан эканми, бошқа чавандозларни узиға сира яқинлатмай марраға етиб боради.

Табиий, кўп чопагонлар доғда қолишади. Кўрга бош-

қа зот ташланади. Аммо энди бояғи қиз кўринмайди. Унг соҳилдан бир йигит қизни салпал эслаб қолган бўлади. Сунгу улқо чошиға ҳам қатнашмасдан, томошабинлар орасида юриб, уни суриштиради: уларнинг ўзаро гапларидан ҳам билиб оладики, қиз — ушбу қабिला бошлигининг фарзанди — олти угилдан кейин туғилган нури дийдаси. Ҳалиги йигит кўпқаридан кейин тўйхонага — улўш олгани шериклари билан борганида ҳам кузи хотин-халаж орасида кезади. Қабिला бошлигининг ўзгир-чопқир отлари орасидан уша қорабайирни излайди. Бироқ иккисини ҳам кўра олмайд.

Хўрматли газетхон, Турон қизларининг қадимдан от чопганлари, ёйандозлик қилганлари, қилич сермаб жангларга ҳам кирганларини эшитсангиз: шунинг учун қабिला бошлигининг ягона қизи қилган жумардликка ҳайрон қолмасангиз керак.

Ахир, уям — узиға хос бир Барчин экан-да.

Ошиқ йигит уз шериклари билан Унг соҳилга — қабиласига қайтади-ю, орадан бийикки ой ўтказиб, жўлдур қирган бир дарвеш қиёфасида Сул соҳилда пайдо бўлади. Тентираб юриб, қабिला бошлигининг юртига, яъни, ўтовига келади. Тиланчи мақомида гап қотиб, оқсоқол билан учрашмоқчи эканини билдиради. Қабिला бошлиғи уни қабул қилиб, гап сурайди. Йигит ўзининг шимолдаги бир қабиладан эканлигини, бошқа бир қабिला узларига босқин ясаб, молларини ҳайдаб кетганида, уларнинг ортидан тушган барча йигитлари нобуд бўлганини, ўзининг эса довдираб бу ерга келиб қолганини айтади.

«Нима касбин бор?» — деб сурабди қабिला бошлиғи.

«Йилқи боқаман, йилқибоқар эдим», — деб жавоб берибди йигит.


«Эса менинг йилқибоқарларим орасида юр. Дуруст бўлсанг, сенга бир уюр бераман», — дебди қабिलाбоши.

Йигит унга миннатдорчилик билдириб, ўзининг садоқатли отбоқар бўлиб хизмат қилишини айтчан, йилқибоқарлар орасига кетибди. Улар тўқай яқи-

нида — капаларда яшашаркан. Йигит ҳам узиға бир қапа қўриб олибди. Кейин қамишдан сибизға ясаб қалган экан, қуй ҳамқасбларига ёқиб, унинг ўзини ҳам ёқтириб қолишибди. Шундай қилди, улар билан бирга йилқи боқиб юраверибди.

У ёш қўлунларни ҳам сибизға қуйига ўргатиб, қалганида йигиладиган қилибди.

Бу гап аста-секин қабилаларнинг хонадонига етиб, бир кун уша барчинсифат қиз уша қорабайир отини елдириб, тўқайға келиб қолибди. Йигитга: «Сибизғанли чал!» дебди. У чалибди. Куй қизға ҳам ёқиб кетибди. Кейин қиз уйға қайтиб отасига айтибди: «Анави



мусофирга уюр беринг, ота. Отларни хўп тарбия қиларкан, сўяркан. Ҳамма шундай деярли».

Қабила бошлиғи йигитни ҳўзурига чорлаб, узиға қарашли уюрлардан бирини берибди. Қизнинг қорабайири шу уюрнинг ягона айғири бўлиб, барча байталлар, биялар унга бўйсунар, у бошқа уюрлардан бирон-бир отни ўз тудасига яқин йўлатмас, ҳатто бегона одамларни курса ҳам қўлоқларини чимириб қишнар, ўткинчи отлиқлар ҳам ундан ҳазар қилишаркан.

Мусофир йигит аста-секин бу тулпорни ҳам сибизғага ўргатиб олибди. Кейин-кейин уни ўзи Қизилсувга тушириб ювадиган, қашлагич билан баданини қашийдиган бўлибди.



Қорабайир кундан кўнға очилиб, кўндўздеқ ялтирайдиган бўлибди. Бўни қўрган қиз йигитдан бениҳоя хўрсанд бўлиб, кўнларнинг бирида ундан сурабди: «Қабилангга ҳеч ким қолмаганими? Наҳот ота-онанг, қариндош-уруғларинг бўлмаса? Найкинги босқинчилар уларни ҳам қириб битирган бўлса?» Йигит жавоб берибди: «Эй, сулув, мен Унг қирғоқ қабиласиданман. Онам ҳам бор, отам ҳам. Уруғларим ҳам тўксис. Мен сенинг ишқингга девона бўлиб келдим...» — «Отамга айтсам, нима қилади сени? Биласанми?» — «Биламан, — дебди йигит. — Лекин бошқа иложим йўқ. Мен сени сўюб қолганман. Бу ерга ўламан ёки сени қабиламга олиб кетаман, деб келганман», дебди.

Қиз уни севиб қолибди.

Ниҳоят, кўнларнинг бирида қиз унга айтибди: «Мени олиб қоч энди. Агар қўлга тушсанг, ўласан. Тушмасанг, хотининг бўламан». Йигит шу гапни кўтиб юрган эканми, дарҳол шундай дебди қизга: «Кечаси олиб қочсам, номардлик бўлади: у иш ўғирликка қиради... Шунинг учун эртага тўн маҳали қочамиз. Сен шайланиб, ўтовинг оғзида тур. Мен қорабайирни миниб бораман».

Шундай қилибди. Саҳарда ўтов оғзида пайдо бўлиб, қизнинг ортига мингаштирмоқчи бўлган экан, қиз кулибди: «Аҳа! Отанг отанг ўқ менга текса нима бўлади?» Йигит шу тобдаёқ жўлдурини ечибди-да, эгар қошиға ташлабди. Сўнгра қизни олдиға ўтказиб олиб, ҳав-хўй, деб овул ўртасидан от қўйиб кетибди. Тулпорнинг дўпиридан ташқариға қиққан қабिला аъзолари тезда отланишиб ва ёйларини олишиб, унинг орқасидан қўва кетишибди.

Бу хабар шовқин-сурон орқали қизнинг акаларига ҳам етибдики, улар-да зўмда отланиб, камону ўқли садоқларини

эгар қошиға олиб, сингилларини оққочиб кетаётган мусофирнинг изидан тушибдилар. Маълумингиз, қорабайир ҳарчанд тулпор наслидан бўлмасин, устида икки киши утирганидан кейин... кейин бошдагидек елиб эмас, толиқиб юғра бошлабди.

Шу аснода дарёға яқинлашибди. Ушанда хайриятқи, ёз фасли — Қизилсув саёзлашиб қолган, нариги қабिला билан алоқа йўли — Катта кечув эса анҳайин эшак ҳам ўтадиган бўлиб қолган экан. Мусофир отни кечўға солибди.

Ана шу пайт қизнинг акалари ҳам, ўзгир аргумоқларни минган қабилаларни ҳам соҳилға етиб келишибди-да, сувни сачратиб бораётган отлиқни камонлардан нишонға олишибди. Буларнинг камон ўқлари тўқсон қадам наридаги ўлжаға бемалол етар, қочоқлар билан орадаги масофа эса эллик қадамдан ошмас экан.

Шунда қиз ҳам отига. «Чў!» деб Тангриларға илтижо қилибди. Йигит ҳам елбориб, отнинг биқинига бор қўни билан ниқтабди. От ҳам буюқ фожеани сезиб, шундоқ сакраб-сакраб кетибдики, орқадан узилган ўқларнинг биттаси ҳам йигитга тегмабди. Шу орада соҳилға етишларига бир неча қадам қилибди. Бу қирғоқдагилар ёйларини яна ўқлаб, қочқонинг елкасини нишонға олган чоғларида қорабайир қирғоққа қиқиб олибдики... бу ёқдагилар, демек, акалар ҳам тортилган ёйларини бўшамасдан тек туриб қолишбди. Кейин йилғаб юборишибди.

(Давоми бор.)

ФОЖЕАЛАР СИЗНИ ЧЕТЛАБ ЎТСИН

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли суд тиббий экспертиза бюроси суд тиббий эксперти, тиббиёт фанлари номзоди Мавлуда Худойбердиева билан суҳбат

— Мавлудахон, сиз экспертлар гоҳи жонсиз танга устида иш олиб борасизлар. Ростини айтинг кўрк-майисизми?

— Агар қўрксам бу касбни танламаган бўлар эдим. Халқ орасида «Уликлардан эмас, тириклардан кўрқиш керак», деган гап юради. Марҳум жабрланувчи бўлса-ю, унга айбдорлик тамғаси босилаётган бўлса унинг биз — тиббий экспертлардан бошқа ҳимоячиси йўқ. Шунинг учун уларға адолат ва шафқат қилиш керак. Марҳумларға раҳмим келади холос.

— Илмий ишингизнинг мавзуси нима ва у тиббий экспертизага қандай янгилик беради?

— Илмий ишми мавзуси — «Спиртли ичимликлар билан заҳарланиш ва уларни келтириб чиқарадиган оқибатларни компьютер текширишлари билан аниқлаш».

Янгилиги шуки қондаги заҳарнинг миқдориға қараб беморнинг ички аъзоларида кечаётган жараёнларни олдиндан аниқлаш. Улим сабабини олдиндан айтиш мумкин. Заҳар миқдори аниқ курсатилса улимнинг олди олинади.

— Янгилишмасам бу мавзу устида ун йилларча иш олиб бордингиз. Доим Москва билан боғлиқ жойда тўхтаб қолардингиз. Илмий ишми ўзбекчада қайтадан ёздигиз шекилли?

— Илмий ишми Тошкент педиатрия медицина институти суд тиббиёти кафедраси мудири профессор Алишер Исқандаров раҳбар-

лигидаги тахрибали устозлар гуруҳи қабул қилишди.

— Нима учун айнан шу касбни танладингиз?

— Бизда марҳумларнинг орқасидан ёмон гап гапирилмайди. Шундай экан тиббий экспертлар ва терговчилар ҳимояға муҳтож марҳумларнинг ҳақлигини аниқлайди. Бу — улкан савоб. Бундан ташқари шу ишга қизиқаман.

— Сизға қадар ҳам ўзбек аёллари бу соҳада илмий иш қилишганми?

— Йўқ. Ҳамқасбларим мени ҳазиллашиб «Улиқхона маликаси» дейишади. Бу мени шу соҳада ҳозирча битталигимиз ишора бўлса керак.

— Енгил оёқ ёки нафратга лойиқ йўллар билан пул топаётган айрим аёлларни гоҳи юқумли касаллик ёки жиноятни аниқлаш учун текширасизлар. Шундай пайтларда, дилнингиздан нималар ўтади?

— Уликлардан эмас, ушандай аёллардан сесканман. Улар меҳнат қилишдан, илм олишдан эриниб шу йўлни танлаган. Улар жирканч. Энг ёмони улар юқумли.

— Баъзан марҳумнинг оила аъзолари мурдани эксперт текширувларига бермайди. Бунга нима дейсиз?

— Биз экспертларнинг қу-

лига текширилиши шарт бўлган марҳумлар келтирилади. Уларни уша заҳотий текширмасак, қотил жазосиз қолиши ва яна кўплаб умрларға зомин бўлиши мумкин.

— Оиалимисиз? Фарзандларингиз борми?

— Ҳа, оиалиман, битта қизим бор. Исми — Зухраҳон.

— Мусиқа тинглайсизми? Шеър ўқийсизми, қўшиқ эшитасизми?

— Мусиқа эшитаман. Шеър ёллашни яхши кўраман. Ёқтирган қўшиқларим: Муножат Йўлчиева, Қиличбек Тожиевлар.

— «Оила ва жамият»нинг мухлисларига тилақларингиз.

— Ҳеч қачон бизга ишингиз тушмасин. Фожеалар оилангизни четлаб ўтсин.

Суҳбатдош:
Зулфия МУМИНОВА

Инсонни қачон баркамол дейилади ва бунга қандай эришилади? Қаноат дегани нима узи? Нарх-наво оши- ти, етишмовчиликлар бор- лиги тўғрисида фарзандлар- ни мактабга юбормай, тонг қоронғусидан бозорга шо- шираётган ота-она, 20—30 йил ишлаган суюкли касби- дан кечиб, аллақандай уйинчоқлар, сифатсиз моллар учун ҳали Тур- киёга, ҳали Эронга мокидай олиб ю- раётган кишиларни ён- ки инсонпарварлик ёрдам- ларини яширинча пуллаётган шифо- корларни ҳаракатлан- тириётган куч нима узи?

Назаримда, бундай одамларни мувоzanат- лаштириб турувчи куч қаноат етишмаётган- дек. Мана шу қудрат- ли, айна вақтда сеҳр- ли, сирли бўлган қа- ноатга қандай эриши- лади? Менимча, энг аввал истақларни ат- рофдагиларга келти- радиган манфаат ёки зарарига биноян че- каб олиш зарур. Ҳирс деб аталган туйғуни зарур эҳтиётлардан фарқини билмоқ ке- рак ва Ҳирсини жилов- лай олган кишигина қаноатли дейилади.

Ҳаётнинг олий жумбоқла- ридан бири: инсон орзу-и- стагининг чеки йўқ. Лекин унинг имкониятлари эса че- кланганлигидир. Доно хал- қимиз бекорга айтмайди. — «Қурпанга қараб оёқ узат» Демак, фарзандларимизга ҳар кимнинг имконияти да- ражасида уз «қурпаси» бў- лишларини аниқлашимиз керак. Истақ амалга ошиши учун имкониятни етишма- ганда сабр қилмоқликни ўр- гатишимиз лозим.

Шундай ўқувчиларимиз борки, уларнинг кийинишлар- идан, юриш-туришларидан «от қуради», бироқ дафтар ва рўзғарга пул топландик, дейишди.

Қўндалик харажатларининг узиға қанчадан-қанча пул олиб юришди. Менимча қа- ноатсизликнинг бошланиши мана шу ерда. Меҳнат қил- май топилган пуллари, жа- вобгарликсиз сарфланиши-

дан инсонда Ҳирс вужудга ке- лади ва бу «махлуқ» унинг ичиди жойлашиб олиб, энг ав- вал виждонига чанг солиди ва кўзини тўбсиз жарга айланти- ради. Энди унинг бир сиқим тўпқоққа, ё бир томчи ёшга туладиган кузлари жаҳон мо- лини солсанг ҳам тўлмайди. Энди у фақат етишмаётганли-

САБР ВА ҚАНОАТ БЕККАНИ



гидан нолийди, атрофга боқа- ди-ю, фақат узини куради. И- стақларини қондириш учун бар- ча воситалардан фойдаланади. Айтишларича, бундай одамлар ҳатто жон бераётганида ҳам мол-дунё кўпайтириш ҳаёлида бўлар экан.

Қаноатсизлик — маънавий қашшоқликнинг бошланиши, маънавий қашшоқликнинг ай- нан узидир. Маънавий қашшоқ бўлган одам қайси соҳада иш- лашидан қатъий назар у фақат зарар келтиради. У бутун ду- нёни ёлғиз узининг «Мен»ига ҳизмат қилдириб, узининг «Мен»и бекаму-кўст яшаши учун сарф этишни истайди.

Жамият учун узининг Ҳирси- ни бошқара олмаган маънавий қашшоқ кимсидан ортиқроқ зар- рар келтирувчи йўқ.

Қаноат-нурга йўрилган бў- лади. Шу сабаб қаноатли одамлар нури, фойзли бўла- ди. Қаноат ва сабр инсон- га қўш қанот бўлиб, уни юк- сакларга олиб чиқади, асрлар-

Тарбия соати

дан олиб утади ва бундай қа- ноатли кимсалар охи-р-оқибат нур манбаига айланадилар. Улар билан суҳбатлашганим- гизда юракда илқилик пайдо бўлиб, яхшилик қилиш истаги жўш уради.

Демак, жамиятимизни тараққий эттирмоқчи бўлсак, қаноатли, сабр- ли инсонларни қўллаб тарбиялаб, воёга еткази- шимиз керак. Шундаги- на бу жамият олдидаги қарзимишни адо этган бўламиз.

Адабиёт дарсларида тасаввуф оқими намоян- далари билан танишга- нимизда энг аввал улар- даги қаноат қучига лол қоламиз. Ҳазрат Ясавий ва Нажмиддин Кубро- ларнинг қошоналарда яшаганини ҳеч ким бил- майди, лекин уларнинг ҳурматлари неча асрлар оша бизларга етиб кел- ди.

Баҳовуддин Нахшба- ндининг «Дилингда Аллоҳ бўлсин-у, қўлинг ме- хнатда бўлсин» деган шиорида қаноатли бў- лишининг аjoyиб фазил- лати қўрсатилган. Де- мак, биз фарзандлари- мизни меҳнатга ўргатиб, буш қўймай, айна вақтда имон- ли қилиб тарбияласак, улар- дан баркамол инсонлар ети- шиш чикади. Бунинг учун узи- миз, оила даврасида бу улуг зотлар меросини ўрганиш бил- лан бирга улар каби бўлишга интилишни тарбияламоғимиз даркор.

«Дунёни гузаллик сақ- лаиди», дейди доно халқимиз. Биз узимиз табиат гузаллиги- дан завқлана олсак, «Шашма- қом»дан илҳомлансак, ва ҳақи- қий гузаллик — қалб гузалли- гига интилсак чимчидаги «ваҳ- ший махлуқ» бизни тарқ этиб, қаноатли бўлиш бахтига му- шарраф бўламиз, ҳаётимиз янада сурурли бўлади.

Шундагина ўқини хоҳла- маётган, бозорларга қопатган ва ҳатто бекор юрган ҳар бир ёш олдидаги, келажатимиз олдидаги масъуллигимизни бир оз бўлсада оқлаган бўла- миз.

Ҳамдам тўйчиев

Маслаҳатхона

навбатда ёғоч қошиқнинг ма- заси ҳам сувга ўтиб, икки ўр- тада ошқозонни даволайдиган малҳам юзга келади.

Мен ана шу тадбирни қўл- лашни барча юртдошларимиз- га маслаҳат берган бўлардим. Шундай қилсак, ҳам ота-бобо- ларимиз удумини давом этти- ран ва ҳам соғлиғимизни ўз қў- лимизда сақлаб қолган бўла- миз.

С. САИДАҲМАД

ТАХРИРЯТДАН:

Ушбу мақола билан янги «Маслаҳатхона» руқномини бошлаймиз. Шу мубошабат билан ота-боболар, бувила- ру онақонларимиздан ўтиб келиб хонадонда қўлланиб келаятган уй тутиш, саран- жом-саришталик, пазанда- лик, кундиш-товоқлар, зебу- зийнатларни сақлаш-асраш, соғ-саломат яшашга доир табиий муолажалар ва қон- далар ҳақида бизга ёзиб юборасиз деган умиддамиз. Ахир сиз ва ёки яқинларин- гиз билан рўзғорнинг ми- нг бир сир-асрорларни қан- чалаб юртдошларимизга ҳам қўл келиши мумкин-ку! Яна бир гап — ушбу «Мас- лаҳатхона»мизга ўз масла- ҳатингиз билан бирга сура- тингизни ҳам қўшиб юбори- нг. Албатта ҳозир эгамиз... Қимматли маслаҳатларин- гизни қўтаётганимизни унутманг...

(Боши ўтган сонда)

Маълум бўлишича, бу уч йигит Марғилондан Тожке- нт отчопариға қатнаб тижо- рат билан шуғулланишар- кан. Тепадагисининг хурра- ги эшитилди. Қотма йигит ҳам орқага сунганича ух- лаб қолди. Қўзил юзлсиз билан узок гаплашди. У уйларида ўзи дуррага гул босаркан, доимий бир че- варга четини бостираркан- да кейин Тошкентга олиб келаркан.

— Яқин орада акамни уйлантиришимиз керак, шунга ҳаракат қилиб ётиб- миз, — деди қўлиб.

— Кейин ўзингизга нав- бат экан-да!

Шитоб йўллар, ғала-го- вур бозор, бир-бирига ула- шиб кетадиган ишлари ора- сида кўнглига бир нигоҳ ташлаш имконияти тўғилди- ми?.. Йигит дилини очди: — Менинг-ку, уйланади- ган, «қизим» тайин эди. Ҳо-

Юрган дарё...

қараб утирибди. Мен ҳеч нар- са бўлмагандек, тўғрига қараб кетавердим. Нарирокда фар- рош хотин супуриб юрган экан, атирини ушанга бердим.

— Йигит менга шу қадар ёқиб қолдики, онамни қуриш ниятида йўлга чиққаним Ал- ПОХга маъқул бўлдимикан, шу боис мана шундай хамроқлар- га рўпара қилдимикан? — де- ган шукрона кўнглимдан ўтди. Ва йигитга ўзи қабил қалби бе- губор қиз чин ҳавт йўлдоши бўлишини тиладим.

— Беодоблик бўлсам роса гапирдим, — деди қизил юз- ли йигит. — Ҳавт жуда қизиқ экан-да...

УМР-ҲАНИМАТ

Қўзил юзли йигитни ўйку элтитанда, қотма хамроҳимиз дил дафтарини варақлай бош- лади:

— Мен ҳозир йигирма гўк- қизга кирдим. Анча-мунча га-

СОЛДА ОШИҚНИНГ ҲИҚОЯЛАРИ

бир бир галати ишлар бў- либ турибди-да, — индама- дим, хоҳласа гапирсин, хоҳ- ласаса йўқ... йигит давом этди.

— Ўша дурранинг четини бостириб берадиган хотин- нинг қизи бор. Борган-кел- ганда иш юзасидан гапла- шамиз, қизим тикиди. Шу муомаласидан дилимга бир нарсаси тушди-да, уйдагилар- га айтдим, ишониб бўлмас- деб, совчиликка боришди. Ота-онаси аввалига аниқ бир жавоб қилишмади.

Кейин онаси бир борга- нимда «Қизимни сизга бер- майман», — деди. Иккинчи ўша эшикка қадам босмай десам, қўнғил бир ёқда қиз- нинг ўзи нима деркин, ин- дамади «кетмагансан», номар- диб бўлмайдими? — дей- ман. Қиз аввалгидек қўлиб муомала қилади. Онаси ор- қадан қичиб: «Умидвор бўл- манг», — дейди. Она-бо- ланинг мақсадини ҳеч тушу- нолмаётганим. Мана бу ака, (йигит рўпарасидаги қотма йигитга ишора қилди) — бир гап айтиб қолди.

Кейинчалик: «Биз қизимизни бермоқчи эмасдик, сен ке- лавериб қўймагансан», — деб тилларини узун қилиш нияти йўқмикан деб, уйланиб қолдим. Ҳозир кўнглим анча хотиржамдай.

— Қурмаган, билмаган нарсанг ҳақида бир нима дейиш қийин. Ҳар қалай ҳу- лосага шошилманг, — де- дим суҳбатга бепарқ эмас- лигимни билдириш учун.

Йигит енгил қўлиб қуйди- да, гап оҳангини ўзгариб давом этди.

— Уми қизларга тушуниш қийин экан. Ўтган йили ҳам бир воқеа бўлганди.

Шу пайт қотма йигит уйғониб кетди. Қалбини ро- стаб утирди. Суҳбатдошим унга қараб давом этди:

— Эсингиздами, бозорим- ни сизга ташлаб соат-соат- лаб йўқолиб кетардим. Ушанга Халиги рўпарамиз- даги айвончада майда-чўйда сотадиган чиройли қиз бор эди. Аввали йилдан таниш. Ўша қиз билан қўз-қўзга ту- шиб турарди. Сал кечикиб келсам «қелмай қолмасин- да!» — деб хавотирда турар- дим. Ўша қиз беҳосдан боз- орда чиқмайдиган бўлиб қолди. Ҳаёлим кетаварарди- да! Бошқа жойда савдо қи- лаяптимикиан, деб ҳар кун бозорни айланиб чиқар- дим...

Дурраларингизни мен- га ташлаб қўйиб, қиз излар- кансанда, — деб қулди қот- ма йигит.

— Ҳа-да! Ярим йилдан ортиқ ахтардим. Бир кун, утган йили 8 март арафаси- да эди. Яна уни излаб юр- гандим Чунтагимда кичкина қутчалли атир. Нариги ёқда- ги пойабзал тузатадиган йи- гитларнинг олдида утириб- ди. Аввалига у мени танима- ди, роса берилиб гапирётган экан. Йигит қўлиб, унга

ройиб ҳодисалар бошимдан ўтди. Бу болага «Эҳтиёт бул уйланаётган қизинг ақли, тў- риғи маслаҳат берадиган бўл- син» — дейишининг сабаби бор. Хунаримандан. Бир кам- багал оилада қатта бўлганман. Ҳарбий хизматни ўтаб келга- нимдан кейин АЛПОХ ҳунари- мизга шундай ривож берди-ки, ишларим ўнгидан келиб, эски ҳовлимизни янгидан қурдим. Пулниям тоғдим, усталарга қў- шилиб ишладим. Олдин ба- ланд айвон қилиб, қўтариб қатта иморат солдирдим. Ота- онамнинг уйларини янгиларди. Узок-яқин қариндош-уруғдан айрим қизи борлар қуда бў- лишни тақлиф қилишди. Уйла- нишга шошиллардим. Ҳозирдан уш ёш кичик қизга уйландим. Сўрашганимда, қизимнинг ис- ми-ю, бир йил кўнглидагидек яшадик-да! Майда чўйда гап қўлайди. Хотинимнинг онаси: «Қанча қизларнинг ичидан тан- лаб-танлаб олгансизлар», — деб тинмай қизининг қадрини оширишга уринарди. Шунга қараб хотиним, мен йўқлигим- да ота-онамни менсимай муо- мала қиларкан. Охири қайно- на-келин ҳеч келишга олишмай қолдишди. Иккинчи йили ўғлим туғилди. Лекин иттифоқлик бўлмади. Бир кун ишдан кел- сям хотинимни онаси олиб ке- тибди. Онам: «Мен ҳаёдаганим йўқ, ўзи кетди, олиб келгани бормайсан», — дедилар. Ҳаф- та, ой ўтди. Бу орада онамнинг қулоқларига ҳар хил гаплар етиб келибди. Эшитган: «Олиб келсанг мен рози эмасман!» — деб йўлимга боғлаб қўйган- лар. Ҳозир бир йилча бўлган- ди. Ўғлим ҳам бир ёшга ки- рипти. Хотиним билан қўнда қуришамиз гаплашамиз. У ҳам ота-онасининг қўнғилига қарайди, мен онамнинг... Нима қилишни билмайман...

— Онангизга оҳиста тушу- нтирсангиз... — дедим маслаҳат тарзида.

— Онам бу ҳақда гап очи- лишини ҳам истамайдилар. Юқоридаги гап билан кесади- лар. Яқиндан буен Тошкентга бозорга келадиган бўлдим. Ҳар гал қайтишда ўғлимга че- рақли қийимлар, хаммамиз уз иш-тавишларимизга урғулашга- нимиз сайин тор шахсий қоби- гимизга қичкинб бораверамиз. Узгаларни тинглаш, англаш, эътибор билан қўзатиш инсон қалбини мўъжизалардан баҳ- раманд этади. Шундагина маънавиятимизнинг хеҳреси йўқлигини бораверади, ва у маъмур тушуночларга эмас, қал- биларга ўз тутуди.

Муҳтарам УЛУФ

ОШҚОЗОН — ДОШ ҚОЗОН ЭМАС

Мен қўллаб ошхоналари- мизда, ресторани, турли хил тўйларимизда, ҳатто хона- дошларимизда ҳам овқатли қосага алюмин қошиқ солиб қўйилганига кўп маротаба гувоҳ бўлганман.

Эсимни таниганимдан бе- ри пойтахтимизнинг Сағбон кўчасида жойлашган пақир, тоғора, чойнак, товоқ каби уй-рўзгор идишлари ишлаб чиқарадиган завод, йил ўн икки ой алюмин қошиқ ҳам ишлаб чиқаради.

Сиз ўша алюмин қошиқ- ни ичадиган овқатингизга солишдан олдин тоза юви- лган қўлингиз билан ишқалаб курсангиз, қўлингизга алю- мин қошиқдан юқдан ишқор- ларни ўз қўзингиз билан қў- ришингиз аниқ. Шунда ишончим қомилки бунақа қошиқ билан овқат егандан кура, емасликни афзал қў- рардингиз. Ўша қошиқ би- лан иссиқ овқатни қайта- қайта шопириб ичаётган одам қосагига яшиллаб ра- зам солса, унда алюмин до- ларини ўз қўзи билан қўр- ган бўлар эди. Кесалари- миз яхши билишди, бундан 20-30 йиллар илгари қўллаб дуралдорлар махсус мева- ли дарахтлардан ёғоч қошиқ- лар ясашар эди. Ушундай ёғоч қошиқлар соғлиққа ҳеч қандай ҳавф солмай, аксин-



ча ошқозонга роҳат бағишлар эди.

Мен қайнда бир дуродгор билан келишиб олдим. У мен- га беҳи дарахтидан эллик до- на ёғоч қошиқ ясаб берадиган бўлди. Худо хоҳласа ўша бе- ҳидан ясалган ёғоч қошиқлар қўлимга теккан кун уларни сувга солиб беш-олти соат қайнатмоқчиман. Ўша қайнат- ма зира, райхон, седана, исир- иқ ва шунга уқшаш ҳушбўй нарсалар солишни ҳам унут- майман. Чунки, уларнинг маза- си ёғоч қошиққа ўтади. Ўз

«СИЗ КЕЛИБ КЕТДИНГИЗ-У...» («Оила ва жамият» — 25 сон)

Севимли газетамиз «Оила ва жамият»нинг шу йил 25-сонидagi «Сиз келиб кетдингиз-у...» мақоласини ўқийим билан дарҳол қўлимга қалам олдим.

Доно халқимизда «Баъзан турт оёқли от ҳам қоқилади», деган нақл бор. Ахир ҳаётда хом сут эмган банда нималарга дуч келмайди. Мен ҳаётда уйланмай, турмуш қурмай ўтиб кетган одамларни биланман. Уқганим «Қуръони Карим», «Ҳадиси Шариф»да буйи етган қиз турмушга чиқиши, ёши етган йигит уйланиши шартлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилган.

Инсон камиди юз ёшини яшаши мақсад қилиб яшаши керак. Мақолада тилга олинган сингилхон энцигина 29 ёшда экан. Ҳаётда қуриб турибмиз, ҳар қандай йигит ҳам «Дунёдан уйланмай ўтиб кетаман» деб қасам ичавермайди.

Мен ҳали ҳам сингилхонга уша йигит билан турмуш қуришни маслаҳат бераддим. Йигит у томонда, қиз бу томонда аразлаб юришида купни курган икки томондаги кексалардан ҳам бироз камчилик ўтган. Икки томондаги кексалар ҳам хатоларини буйнига олган ҳолда яна совчилик йўлидан иш тутсалар ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Уларнинг манзиллини билганимизда савоб учун икки ёшининг бошини қовуштириб қўйган булар эдим. Насиб қилса шу «Оила ва жамият» газетаси орқали уша келин-куёвлар ҳақида, уларнинг бўлиб ўтган тўйлари ҳақида битта мақола ўқишни истар эдим.

С. САИДАҲМАД

Салом синглим!

Сиз обрўли, эътиборли, бадавлат оилада туғилиб ўсгансиз. Ота-онани ҳурмат қилгансиз. Уларни розилиги билан турмуш қурмоқчи бўлгансиз. Лекин баъзи сабабларга кура турмушга чиқишни илоҳи бўлмаган. Ундан ташқари сиз ўзингиз ҳар

хил гапларга ишониб ўз ҳаётингизни барбод қилгансиз. Балки уша сизни олдингизга келган аёл ёлгон гапиргандир Балки бошқа жумбоқ бордир. Ҳали 29 ёшга кириб, энди ҳаётга қадм қўйиб оқ билан қорани таниб, турмуш нималигини билиб туриб шундай дейиш сизга ярашмайди. Ахир жуда кўп ёшлар шошилиб турмуш қуриб оғир аҳволга тушиб қолмоқдалар. Ва тақдирга тан бериб яшамоқдалар — кимлардир илоҳи бўлмаганидан ажралиб кетмоқдалар. Сиз ҳали ёшсиз, кеч эмас. Уша инсонни толиб учрашиб, гаплашиб, келишиб турмуш қуриш керак.

Ахир у инсон сизни 2–3 йил кутган-ку. Бу яхши эмас. У йигитни қарғишга қолиб кетманг, уни толинг! Сизни тақдирингиз уша инсон қўлида. Инсон ўзи танлаган ҳаёт йўлига тан бериб яшамоғи керак. Бу қисқа дунёда ёш тўкиб эмас, келажақ ҳаёт учун курашиб яшаш керак!

Ўқтам Ҳожи ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли

Дилбар Саидованинг бизга ҳавола этган мақоласини ўқиб, сиз синглимизга ўз оилавий фикримизни ёзиб юбормоқчимиз. Аввало ҳаётимизда учрайдиган хатолар биргина сизни эмас, бошқалар бошидан ҳам кечади. «Беайб парвардигор!» ... Шундай экан сизни қайлигингиз бир хатога йўл қўйиб, шунинг орқасидан йиллар давомида ёлғиз изтироб чекиб уятаётимиз, биллиги у йигит айбига иқдор бўлиб, ҳаётда бошқа хатога йўл қўймаса керак, деб ўйлайман.

Инсонни энг гузал фазилатларидан бири — бу кечира бериш. Пайгамбаримиз ҳам кечирувчан бўлганлар. Биз эса уларнинг умматларимиз, шундай экан сизга маслаҳатимиз — шу инсонни кечиршга ҳаракат қилинг. Қалбингиздаги музлар эриб гилёҳга айлансин. Бу олийжаноблигингиз, кечирувчанлигингиз сизнинг ҳаётингизни гузал, маъноли, файзли қилиб юборадиким,

иншооллоҳ сизга ўзи мадад берсин. Сизга бахт тилаймиз.

Маърифат ТОШЕВА уй бекаси, Тошкент

ТЎРГА ИЛИНГАН АЁЛ

Мен «Оила ва жамият» газетасининг шу йил 10–16 июнь сонидида босилган «Фирибгарлик санъати» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бунга ўхшаган воқеалар шу кунларда кўпчилигининг бошидан кечмоқда.

Мен ҳам Тошкент бозорларининг бирида мева-чева сотиш билан шуғулланаман. Яқин танишимдан ун минг сўм пулни қарзга олиб, савдо-сотиқ йўлига қадм қўйдим. Пул берган танишим билан кўча-қуйда учрашиб қолсак, яхшигина муомалада булар эдик. Бу аёлнинг олийжаноблигига ичимда тан бериб юрардим. Орадан уч ой ўтган, ун минг сўм пулни олиб бордим. Кўпдан-кўп раҳматлар айтдим. У бўлса икки қўлини белига қўйганича писанд қилмай пулга қараркан:

— Ун тўққиз мингми? — деди. Мени муздек тер босди. Ҳақлигимни исботлай олмасдан жоним ҳалак бўлди. Қанча ялиниб ёлвормай барибери фойдаси тегадми. У сўраган пулни бериб кутулдим.

Бозорда ўтириб уйга толаман. Қарзга пул бериш, вақт ўтиши билан уни устама миқдорда ундириб, пулдан-пул туғдираётган судхурларга нега чора қўрилмайди? Одамларга тилагим ҳеч ким фойзли пул турига илинмасин.

Замира ҚУЧҚОРОВА

мол-мулки бўлиб берилган. Айни пайтда унинг бошқа эр билан никоҳсиз яшаётгани аниқланди.

Қишлоқ фуқаролар йиғини, ҳужалик хотин-қизлар қўмитаси, халқ вакиллари, қўни-қўшилариининг берган тушунтириш хатларида қайд этилишича, у энгил табиат-

«ЎЗИМДАН АЙБ ЎТДИМИ?» («Оила ва жамият» 19-сон)

Ҳурматли «Оила ва жамият» ходимлари. Мен рузномангизни мунтазам ўқиб бораман. Менга ундаги берилаётган мақолалар жуда ёқди. Чунки бу мақолалар айнан ҳаётимиздан олинган. М. Каримованинг «Ўзимдан айб ўтдимми?» мақоласини ўқиб, мактуб йўллашга қарор қилдим. Ҳаётимизда бундай воқеалар кўп учрайди. Хосият опа мисолидаги пок, иродали, меҳнатқаш, ҳаёли аёллар кам. Рўхан эзилган бу аёлга мен сабр-бардош, соғлиқ тилайман. Шундай еруғ кунлар шоҳлиқларга тўлади. Кемтик бўлган бу ҳаётингизни ширин-шакар набираларингиз, ширин муомалали келинларингиз тулдиради. Ишончим комилки, ҳаётда қийналганларингиз шунча фарзандларни машаққат билан, ўз меҳнатингиз билан табилагангиз бир кун бахт-саодат, шоҳлиқлар олиб келади.

Мақолада яна «қўш хотинлик» ҳақида гап юритилган. Мен шунга ўз фикримни билдирмоқчиман. Аввалги даврларда эркаклар уч-тўрттагача хотин олишган. Ўйлаб қўрайлик аввалги эркаклар бутун масъулиятни елкаларига олишган. Никоҳга жиддий қарашган. Учта ёки икки оилани бошқара олишган. Бу билан мен ҳозир эркаклар ҳаммаси ёмон, демоқчи эмасман. Лекин мен шундай оилаларни биланман. Эркаги ҳеч қаврда ишламайди. Бутун оиладаги харажат аёли буйнида. Аёл бечора бозор қилади, бола боқайди, рузгор ишлари билан банд. Қани эркакдаги оила, фарзандлар тарбияси олдидаги масъулият. Бундай эркак хатто бир оилани бошқаролмайди. «Қўш хотинлик»ни қандай эплайди. Қўш хотинлик ёқланса, шундайлар ҳам эргашиб, кетаверса жамиятимиз қай аҳволга тушади? Энди аёлларимиз, қизларимиз ҳақида гап юритсак, аввалги давр аёли қандай бўлган, аёлларимиз қизлик даврларидан, оила қуриш муқаддас нарсаси, деб масъулият билан қарашган, назаримда. Қизлар, йигитлар оила, эр, фарзандлар,

муқаддас никоҳ ҳақида жиддий ўйлашган, фикримча. Уруш йилларида бева қолган келинчақларимиз йиллаб, садоқат билан ерларини қуттишган ва ҳаётларини битта фарзанд билан ёки ёлғиз ўтказиб юборишган.

«Қўш хотинлик» мумкин бўлган даврда аёллар бунга табиий ҳол деб қарашган. У даврда қизлар ута босиб, ибולי, ҳаёлироқ бўлган, назаримда. Бу билан мен ҳозирги қизлар ҳаммаси енгилтақ демоқчи эмасман. Ри-соладагидек қизларимиз ҳам кўп. Лекин ақсариёт қизларимиз дағалроқми-ей, муомалада қўполроқ, менинг фикримча. Уларга назорат, лафотат етишмайди. Энди шу қизлар, шундай аёллар ҳам «қўш хотинлик»ка қандай олармикан? «Қўш хотинлик» мавжуд бўлган даврларда ҳам қундошлар бир-бирини заҳарлаш ҳоллари бўлган. Шундай экан, ҳозирги давримизга, менимча унчалик тўғри келмас.

Оилани сақлаш учун курашадиган бир давримизда жамиятимизни ривожлантириш, оилани мустаҳкамлаш ҳақида ўйлашимиз керак. Энг асосийси мақолада айтилганидек, фарзандлар тарбияси, соғлом авлод учун курашимиз керак. Бир оиланинг бахтсизлиги эвазига, иккинчи бахтли оилани яратиб бўладими? Бунинг урнига, илоҳи борича ажралиш арасасида турган оилаларни бутунлигини сақлаб қолайлик, уларни муро-сага келтирайлик. Ҳаётимизда битта бола билан ажралиб кетаётган оилалар жуда кўп. Бунинг сабабчиси енгилтақ ёшлар-у, ота-она, қайнона-қайноталар эмасми? Наҳотки, ёшларни муро-сага келтириш катталарнинг қўлидан келмайди. Бошқалар, қўни-қўшиллар эса бефарқ. Муро-са қилиш, кечиртишлар натижасида бир бутунлик сақланиб қолади-ку.

Натижада ажралиб кетаётган ёш келинлар, аёллар бошқа бир оилани, яъни мақолада айтилган Хосият оиланинг оиласидек ширин хонадонни бузаётти.

Эркакларимиз ҳам пул топган сари, ақлни йўқотиб қўйяпти чоғи.

Хуллас, мен «Қўш хотинлик»ни ёқламайман. Ҳозирги кунда қўш хотинликни орзу қилмай оилани мустаҳкамлаш ҳақида бош қотиришимиз керак.

Фарида ОХУНОВА, Ўрта Чирчиқ тумани

МУКОФОТГА БЕРИЛГАН УЙ

«Ҳурматли таҳририят! Икки йилдирки, оилам нотинч. Турмуш ўртоғим билан ажрашганимдан кейин эрим мени уйдан ҳайдаб чиқариб юборди, — деб ёзади «Дустлик» туманидаги «Манас» ширкатлар бирлашмасида яшовчи Мохинисо Эгамбердиева. — Ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилиб бош суққан идоралардан эса «Бу уй эрингизга мукофотга берилган, унда сизнинг ҳаққингиз йўқ», — деган жавобни олиб ҳайрон қолдим. Ахир эр-хотин бирга ишлаб топилган мулк уртада тенг бўлинмайди? Оила бошлиғи эр бўлса ҳамма нарсаси уни бўлиб қолаверадими? Уртаимизда битта фарзанд бор. Уни уй-жой билан таъминлаш отанинг бурчига кирмайдими? Менинг мулк-

ка эгалик ҳуқуқимни тиклашга ёрдам берсанлар».

Таҳририятга келган ушбу хат юзасидан Жиззах вилояти «Дустлик» тумани ҳо-қини уринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шириной Абдуваҳобова билан телефон орқали мулоқотда бўлди. Кўп ўтмай эса у ки-шининг имзоси остида қуйидаги жавоб хатини олди.

«Фуқаро М. Эгамбердиевнинг «Оила ва жамият» газетасига ёзган аризаси урганиб чиқилди. Урганиш жараёнида шу нарсаси маълум бўлдики, ҳаққатан М. Эгамбердиева туман судининг 1997 йил 29 октябрдаги ҳукмига асосан турмуш ўртоғи Расул Ҳамидов билан қонуний ажрашган. Суднинг ҳал қилувчи ажримига кура уй-жойи,

ли аёл бўлиб беш марта турмуш қурган. Шуларни инобатда олган ҳолда М. Эгамбердиевнинг шикоят хатида билдирилган эътироз ва талабларда етарли даражада асос йўқ, деб ҳи-соблаймиз».

«СУВНИ СОТИБ ОЛАМИЗ»

«Биз Қашқадарё вилояти, Косон тумани «Турон» жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги «Ед-гор» қишлоғида яшаймиз. Мул-қул чорвачилик маҳсу-лотлари етиштириш йўлида сидқидилдан меҳнат қила-тимиз. Лекин турмуш шаро-итимиз яхши эмас. Оддий бир ми-сол. Қундалик тур-муш учун энг за-рур бўлган тоза ичимлик суви тан-қис. Қишлоғимиз аҳолиси истеъмол қиладиган сув чет-дан ташиб келти-рилади. Уч тонналик идиш-даги суви минг сўмга со-тиб оламиз. Шунда ҳам су-ва ёлчимаймиз. Сабаби, жа-моа ҳўжалигимиз раҳбари томонидан сув ташини учун ажратилган техникадан ҳайдовчи Комил Ҳужаев шах-сий манфаати йўлида фойдаланиб келмоқда. Уни-нг бундай узбошимчалиги

туфайли қишлоғимиз аҳо-лиси ичимлик сувидан қийналишаёпти. Шу муа-момани ҳал этишда ёрдам берсанлар, деб қишлоқ аҳолиси номидан: Т. Ра-ҳимова, Г. Худойёрова, О. Кенжабобева ва бошқа-лар».

Маълумки 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Мана орадан уч йил-дан ортироқ вақт ўтди ҳамки, Қашқадарё вилоя-тида ушбу Фармоннинг амалдаги ижросида суст-қашлиқка йўл қўйилмоқда. Ҳуш, нега шундай бўля-пти? Ёдгор қишлоқ аҳоли-си қачон тоза ичимлик су-ви билан таъминланади? Вилоят ҳокимиятидан ана шу саволларга жавоб ку-тамыз.

Комилжон ТОШМИРЗАЕВ

АРЗИ ХОЛ

«Оила ва жамият» газетаси чоп этилганидан буён ўқиб келаман. Кўпинча оиламиз билан саҳифаларда чиққан мақолаларни узимизча муҳокама қилиб юрамиз. Бир кун «Оила шаҳараси» танлови эълон қилинди. Шундан буён газетани қўлимга олишдан безиллайдиган бўлиб қолдим. Кўнглим қолган ёқуд мен ҳақида ёмон гап эшитгани йўқ. Ҳамма гап-шундаки мен ҳам хотиним ҳам «Меҳрибонлик уйининг фарзандларимиз. Бирга ўсганмиз. Бир-биримизни севиб, турмуш қурганимиз. Бизнинг ота-оналаримиз...» Фарзандларимизнинг эса бобо-бувалари йўқ... Ҳар гап ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам етиш пўштини билиб олишгани ҳақида ёзилган экан, кўнглимиз қаттиқ ўқинади.

Биз ҳатто ўз ота-оналаримизнинг қимлигини ҳам билмаймиз-да... Бунинг устига 5-синфда ўқийдиган қизчам «Дада, келинг биз ҳам ёзайлик, буваамизнинг исмлари нимадир?» дея ҳоли-жоминга қўймайди. Қани энди билсам, жон деб айтиб бермасдим.

Ўшбу шаҳара сабабли 27 йилдан буён кўниқиб қолган ҳаётим ларзага келгандек, остин-устун бўлиб кетгандек туюлади. Шукр, бировдан кам яшаётганимиз йўқ, аммо, бир вақтлар курмаган меҳрининг сеҳри рўшнати юракларимизни, уртаб юбораётгандек... Улай-улай охири кўшимиз «Меҳрибонлик уйи»да хануз фарош бўлиб ишлайдиган Маруся холининг маслаҳати билан, узимиз ўсган уйнинг кекса раҳбари бўлган ҳозир нафақага чиқиб кетган Евдокия холининг уйига бормоқчи бўлидим. Лекин тиркичилик билан бўлиб ҳадеганда вақт топавермадим. Бир кун ишдан келсам хотиним Евдокия хола телефон қилиб сураганини айтди. «Шу бугун борармисиз, гапи бор экан», — деди у ҳаяжон билан. Кеч бўлишига қарамай энтиқанимча унинг уйига кириб бордим. У ичкари уйда ёстиқларга суянган кўйи ўғли билан суҳбатлашиб утирарди.

Биз ёлғиз қолдик. Шунда у «Ҳага руҳинг дастор, тинчликми?» деб суради. Шунда дардимни тўқиб-солдим. Евдокия хола индамай тинглади. Нурсиз қўларда қандайдир шуъла пайдо бўлди. У ёстигининг тагидан қилиб олиб менга узатди. «Мана бу шафони очгин!» — деди. Шафони очдим. Эҳ! У ерда нималар йўқ дейсиз. Тўғунчалар, кўнчалар, конвертлар, қозғолар... Юрагимда қандайдир илғиж пайдо бўлгандек бўлди. Хола кўрсатган тўғунчани олдим. У индамай оча бошлади. Мен эса бор вужудим билан тикилиб турардим.

Тўғунчанинг ичидан икки-та оқ қўйлакча, қалпоқча, ҳамда... бир қозғочани қўлга оларкан, деди: «Мана шу нарсалар сенки». Асли уни сенга бериб ярангин тирнаш ниятими йўқ эди, аммо жазм этибсан, бошқа иложим йўқ...

Отанингми, онаминингми қўллари теккан, бу сарғайган қозғол парчалари барибир бе-бахололигини билардим. «...Болам, жоним болам, аялди! Бир неча соатдан кейин биз бир уйга аяриламиз. Ўзимга қолса-ку, не-не маломатларга қарамадан сени воёга етказардим. Ам-

мо, энди сен ота-онасиз, ташландик, деган ном остида қийналиб катта бўлишга маҳкумсан, маҳкум қилаялман. Эҳтимом етимча, деб сени хурлашар, сен бурчларга беркинганча алам билан ийгиларсан ҳам. Отанг... Ёмон одам эмасди. Лекин оиласи, сендек болалари бор эди. Сеникига ўхшаш қўшларининг устида қўшалок қоллари бор эди. Уйи эса... Шу «Меҳрибонлик уйи»дан икки декал нарида, исми...

Кечиргин дея утингуви онанг... Назаримда хатнинг ҳар бир сатри қўзларимдан оққан ёшлар билан қоришди. Евдокия

ОТАМИНГ ИСМИ РАҲИМЖОН ЭКАН...

хोलанинг миҳжасидан чиққан ёшларни сездирайганига айтган одам урнида қанга қилган аёлининг қўксига бош қўйиб ёш боладек йиғлардим. Армонларим, аламларимни уйлаб йиғлардим. У жимгина бошимни силарди.

— Раҳимжон, муҳими бу эмас, сени бошқа нарсаси чақиртирардим. Улимим ақин, қўнларим битиб қолган қуринад. Шунингдек бошқаларга ҳам уларнинг қариндош-уруғлари ҳақида билганларимни айтиб беришга қарор қилдим. У дунёга қўнглимдаги юк билан кетгани келмайди...

Отангни танимаман. Отанг сени борлигини билмайди. Бироқ онанг бир неча марта сени қургани келганди. Ун ёшга тулганнингда ҳовлида сенга тулган кун қилувдик. Эсингдими? Уша кунги барча ширинликлар, тортлар сен қийган қиймларни онажонинг олиб келганди. Иртни кесаётганингда у меннинг кабинетимнинг ойнасидан қараб барини қўриб турувди. Роса йиғлаганди, ушанда. Чўки у келиб сени ўпа олмасди. Сил касалининг очик, оғир тури билан оғриган эди... Умри тугаб бораётганини сезарди. Шунинг учун ўзидан кейин сеннинг қийналишингни, соғинишингни истамасди, шекли... Эртаси меннинг қўлимда, касалхонада жон берди. Отангни шунда қурдим. Барваста келишган киши экан. Дафн харажатларини кутарди. Онанг Чигатой қабристонига қўйилган. Уттан йили бир тўп сарв дарахти экишибди. Оқ мармардан янги хотира қўйилди...

Ўзим курмаган онамининг соғинчи билан юм-юм йиғлардим. «Хар ҳолда дарағи чиқди-ку. Бутунлай ташландик эмас эканман-ку», деб уйлардим яна... Узимни қўлга олган, холага савол назари билан қараганимни сезди чоғи «Отанг тирликку. Аммо...» — деди уйчанлик билан.

Айтинг, бораман, бир кураман, бир мартагина кураманда, ортимга қайтаман, — деб ўқиндим.

Ох, болам! Биласанми турмушининг ўзи буюқ ҳакам, ҳар кимнинг қилмишига яраша жазосини ҳам, муқофотини ҳам бераверди. Ҳозир у кексалар уйда экан... Ким билади ҳаётда не-не мушибатлар, тушунмовчиликлар бўлганки, тақдир уни шу қўйларга солибди. Агар юрагингда унинг меҳрига,

дийдорига мушқоқлик сезсанг, бор олдига. Лекин унинг яхши лавозимларда ишлайдиган қизлари бор экан, ўғли эса фақат сенсан... Балки онангни уволи тутгандир уни... Қайдам...

Уйга қайтганимда ярим тундан ошганди. Тонггача қўз юммадим, юмолмасдим. Ордан ун кўнлар утгач, охири уша қариялар уйига боришга аҳд қилдим. Қариялар уйига боргач, қандайдир ҳазин, қурий бошлаган дараклари тиккайиб турган дарвоза олдида анча турдим. Сўнг оҳиста ичкарига кирдим. Рўпарамдаги богсуриларда кексалар уч-туртдадан бўлишиб суҳбатлашиб утиришар, бировини қириб чиқаётгани билан қизиқишаётганликлари қурииб турарди. Кимнингдир таъйиб қилаётган нигоҳини сезиб, ортимга қайтдим. Ушқ қошли барваста мўйсавид синчковлик билан тикилиб турарди. Нигоҳларида нафрат сезилиб турарди.

Сен ким, онамининг ёки отангинми? Курслик билан савол берди у. Саломлашмоқ учун қўзилган қўлим муаллақ қолди. Қўлини узатмади. Мўйсавидга тикилиб қолдим. У энсаси қотиб юзини угирди.

Шунда... унинг қўшлари устидаги узимизнига ўхшаш қўшларини қўриб қолдим. Гапиришга суз ҳам, мажол ҳам етмай қолди. Бир алфозда маҳшинамга чиқиб утирдим. Сўнг қабристонга бордим. Бир тўп савр остидаги оқ мармар хотира ўрнатилган қабрибўча онамининг қабрини топдим. Совуқ мармарга юзларимни босиб онам билан дийдорлашдим. Рўхига тиловат қилдим. Қўнглим хотиржам тортгандек бўлиб йўлни Евдокия холиникига бурдим.

Бахтга қарши хола уша мен келиб кетган кун саҳарга бориб оламдан утган экан...

Кўнлар ўтди. Барваста мўйсавиднинг синчков нигоҳлари мени қунон тўп таъйиб эта бошлади. Нима қилишга ҳайронман?

Мактубдан у кишининг исми Раҳимжон эканлигини билганман. Иккимизнинг қиёмамиз бир хил. Фақат у кишининг сочлари қордек оппоқ. Нима қилай? Бориб дардимни айт-саммикан? Уйимга келишга кунмаса-чи? Уйимга олиб келишни, болаларимга мана шу киши бобонгиз... Шаҳарамиз ана шу кишининг оталаридан бошланган дейишни орзу қилардимки...

Лекин у кишининг қизлари бунга қандай қарашаркин? Ташландик дея қўнглимни оғритишмасмикан? Назаримда уша қарнига ўрганиб қолган-декман. Қўп сонли муштарилардан жўли маслаҳатлар олишимга ишониб, дардимни сизларга ёздим...

Бу йигит Сирдарёда яшайди. Токсентдан ҳам уй-жой олган экан. Тахририятимизга икки ойдан бери келарди. Аввалига шеърларини олиб келиб юриб, охири мақсадини айтиб берди, унинг ижозати билан ҳасратларини оққа қучириб, эътиборингизга ҳавола этишга ҳазм этдик...

Басира САЙИД АЛИ

«Кўнларнинг бирида» конкурсига

ЗОРА ТИРИК БЎЛСАЛАР...

30-йиллар уртаси эди. Ҳазрат Имом даҳасидаги 77-тти йиллик мактабининг 6-синфда ўқир эдим. Ёшлигимдан расм чизишни яхши қўлар эдим. Мактабин бозатиш ишлари, айниқса, леворий газеталарнинг барчасига мен расм чизиб безардим. Мактабимизда ешгина, ногирон — Маҳкам ака деган расм ўқитувчиси ишларди. У менга расм чизиш сирларини яхши ўргатарди. Ўқув йилининг охирида — бир кун Маҳкам ака биз ўқувчиларни йиғиб шундай деди:

— Бу йил сизлар учун расм ларси тугайди. Шунинг учун ҳозир мактабимиз рўпарасидаги «Ҳазрат Имом» мазорига чиқиб ҳар ким истаган расмини чизиш мумкин! Масалан, чинор дарахти ёки бир қўш қуруннинг тасвирига бўлади. Мен сизлар ишлаган расмга қараб йиллик баҳоларининг қўйиб бераман. Шу баҳо битириш гувоҳномасига ҳам қўйилади.

Ниҳоят, ҳаммамиз расм чизишга доир турли хил қалам, картон ва бошқа зарур нарсаларни олиб мазорга чиқиб ҳар ким хоҳлаган нарсасини ишлай бошладик. Мен мазорни айланиб бориб, тасвирга қўқмақ қўриган Ҳазрат Имом Қасфойли Шойийга атаб қўрилган мақбарани илҳос билан чиза бошладим. Икки соат ўтгач, ўқитувчимиз болаларни мактаб залига йиғиб чизилган суратларни баҳолай бошлади. Охири мен чизган мақбараси узоқ тикилиб, сўнг, деди:

— Сизнинг баҳонинг «аъло». Аммо бундай динга хос иморатларни чизиш мумкин эмас, — деб расмини йиғиб ташлади. Мен нима дейишимни билмай, қўзимдан тикираб еш чиқиб кетди ва жад устиди:

— Менга «аъло» баҳо керак эмас эди- деб қўлимдаги ҳар хил қаламларни ва бошқа нарсаларни улоқтириб уйимга жўнадим. Мен кетгач мактабда ан-

ча шов-шув гап бўлибди. Уйга жуда ҳафа бўлиб қайтдим ва бундан сўнг сира расм чизмасликка аҳд қилдим. Илгари чизган расмларимни укаларим ва бошқа синфдош болаларга тарқатиб юбордим. Бу воқеадан қўш топган синф раҳбаримиз Илҳом ака уйимизга келиб мента насиҳат қилди. Мен эса уяжарлик қилиб: — Бўлди, бундан сўнг сира расм чизмайман мактаб леворий газетасини ҳам узларни ишласин деб айтдим. Илҳом ака еттиб билан: — Ўғлим, сен ҳафа бўлма, расмом фақат кишиларнинг ташқи томонини тасвир этади, ёзувчи эса одамларнинг ички дунёсини ҳам еритида. Шу тўғрйли сен мактабин тугатгач, Ўқчи қўчасидаги Педагогика билим юртига ҳужжатиингни топшир. У ерда мен ва тарих ўқувчинг Маҳмуд ака Мансуров ҳам ларс берали. Баҳоларинг яхши бўлса илтиҳосини қабул қилади. Шу тўғрйли ҳафа бўлмай эрталадан мактабга бориб ўқишини давом эттир. Маҳкам сенга қўпошлик қилгани учун уни мактабдан, ўқитувчиликдан бўшатамиз.

Расм ўқитувчимиз Маҳкам ака нима мен ишлаган расмини йиғиб ташлаганини 10 йил ўтгач тўшудим. Чўки уша йиллари (1935-1936 йиллар) ҳукумат динга ва унга боғлиқ нарсаларга қарши қилиб қўп дийдорларни қамоққа олган, қўшларни Сибирга сургун қилган эди. Шу тўғрйли Маҳкам ака менга зарар етказмасин деб расмини йиғиб ташлашга мажбур бўлган, аммо сабабини айта олманган бўлса керак.

Мен-ку ўқитувчилик касби билан эл-юртага хизмат қилиб, катта обрў қозондим. Аммо мен тўғрйли ишдан бўшаб кетган ҳўрматли устоз Маҳкам акага узрини етказмоқчиман (зора тирек бўлса-ку). Мен уша воқеадан сўнг Маҳкам акани ҳеч қасрда қўрмадим.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Ҳўрматли дадажонимиз!

Сизни таваллуд кўнингиз билан қўтлаймиз! Ўзоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда ютуқлар тилаймиз. Тинчлик ва осойишталик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Оила аъзоларингиз, Мухтабар, Мукаддас, Шаҳноза, Нигора, Жамшид.

Ҳўрматли Жўра ака!

Сизни тугилган кўнингиз билан табриклаймиз. Ўзоқ умр, ишларингизга ютуқлар, оилангизга тинчлик тилаймиз.

Шариповлар оиласи.

Азиз фарзандларимиз Мангуберди ва Дийнабегим!

Сизларни таваллуд айёмингиз билан қўтлаймиз! Хонадонимизни сизларнинг шод ва бахтиёр табассумингиз асло тарх этмасин. Кексайганимизда суянчиқ бўлиб, ҳаётдан ўз ўринингизни топиб яшанглар.

Ота-онанинг Гўлжон ва Анвар, қондошларингиз Жаннатбегим, Замонбек, Осмонбек.

Ҳўрматли Асел,

Сизни таваллуд топган кўнингиз билан табриклайман. Сизга ўзоқ умр ва бахт-саодат тилайман деб, дустингиз Олимжон

Ҳўрматли Гўлчехра Каримова!

Сизни 44 ёшингиз билан қўтлаймиз. Чеҳрангизда гул очилсин, ҳамиша қўлиб юрин!

Эсон дўст

«ОИЛА — 514»

Бекободлик ораста, одобли ва оила қадрини баланд тутадиган 42 ёшли аёл оила қуриш учун ўз жўфтини, турмушининг мураккаб йўлларида суянч бўлгувчи ҳамроҳини излайди.

АЁЛ ГАРДАНИДАГИ ЮК

Умр йўлдошингизнинг нозик бармоқлари ва беҳирим қатъларига ҳеч эътибор берганимиз? Албатта, кўпчилик эркеклар йўқ, деб жавоб беришади. Аёллар гарданида бўлган ҳўжалик юмушлари уй бекаларининг қўлларига ҳеч қачон қўқ бағишламаган. Тадқиқотчиларнинг аниқлашга турт киши яшовчи оилада бир аёл йил давомида 18 минг дон пичоқ-қошиқ, 13 мингта қозон-товоқ, лилопча, 8 мингта чойнак-пйёла ювар экан.

Бир аёл йил давомида ювган идиш-товоқлар вази — 5 тоннага тенг. Ошхона ва меҳмонхона оралиғидаги қатнов бир ярим минг километрдан ошади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, уй бекалари кир ювиш ва дазмоллаш учун йил давомида 200 соат, йиғиб-териш учун 70 соат, 250 соат кийим-кечакни тозалаш ва тартибга келтиришга вақт сарфлар экан.

Ошхона юмушлари учун ҳафтада 10-12 соат сарф бўлади.

Мутахассислар фикрича кир ювиш тракторчининг, дазмоллаш гишт терувчининг меҳнати билан тенгдир.

8 соат ҳўжалик юмушлари билан банд бўлган аёл бир ярим минг килокалориядан ортиқ қуч-қувват сарфлайди.

Биласизми?



Қайнонали келин — қарқара келин, Қайнонаси келин — масҳара келин.

Бу аёл бир вақтлар богча тарбиячиси эди. Кичкинтойларни жону дилдан яхши кўрарди. Инсон астойдил меҳнат қилса, меҳнати қадрланади, албатта. Шунинг учун бу аёл бир неча марта нишонлар билан тақдирланди. Маҳалла, элу юрти олдида обрў топди.

Келинг, Раънохон аянинг ўтмиши ва бугуни ҳақида сўзлаб бера қолай... Раънохон эл орасида обрў қозонган киши билан оила кўриб, аҳил яшади. Кекса қайнонаси, қайнсинглисию, қайнукаларидан хизматини аямади. Барвақт туриб кўча супуриб, ишга кетгунча самовар кўйди. Аммо бир кам дунё, деганлари рост экан. Оллоҳ Раънохонга оналик бахтини раво кўрмади. Унинг қаратмаган доктори, бормаган табиби қолмади. Аммо, начора... Орадан йиллар ўтди, бу орада қайниси уйланиб, хонадонга Оқила исмли қиз келин бўлиб тушди. Оқилахон чиндан оқила эди. Кўп ўтмай юкли бўлди. Овсинининг боши қоронғулигидан қувонган Раънохон опа топган тутганини уйга ташиди. Овсинининг оғзига ёқадиган овқат пишириб, шўр бодиринг тузлади.

Овсини ҳам тагли-туғли оиладан эди, шунинг учун Раънохонни беумид қолдирмади. Тугруқхонадан келган кунийёк янги туғилган чакалогини Раънохонга берди.

— Биринчи фарзанд одатда, ота-боболаримизнинг удумига кўра буви ва буваларники бўлади, қизим. Худо берибди, ўғилчалик бўлдинг, энди шу бола Раънохонники, бир уйда яшайсизлар, қозонинглар бир, рузгоринглар бир, олимлар оиласида яхши йигит бўлиб усади, — деди Оқилахоннинг онаси ҳам қизига.

Қутилмаган бахтдан боши кўкка етган Раънохон чақалоқни оқ ювиб, оқ таради. «Бахтлиман» деб Бахтиёр деб исм кўйди. Дунёдаги борим, туплаган зарим шу боланики, деб бисот йигди, сандиққа босди. Аммо, шу пайтда Раънохоннинг юрагида Оқилахонга гашлик уйгон

ди. «Иш қилиб, не ҳасратда боқиб катта қилаётган боламни улғайганда олиб кўймасин», деб рузгорини булак қилди. Бахтиёрни укасингиллари билан уйнашга, умунам Оқилахонларникига боришга рухсат бермади. Бу орада йиллар ўтди. Бахтиёр ҳам кам-кўстсиз вояга етди.

Ҳарбий хизматни бажариб келиб, олий ўқув юртига ўқишга кирди. Университетда ўқиб юрганда бир қизни ёқтирди.

— Болагинам кимни ёқтирса, шунини олиб бераман. Не ҳасратда боққан биттаю битта болам бахтли бўлса бўлди!...

Қариндош — уруғларга, ўқитувчию, кўни-кўшнларга Раънохоннинг айтган гапи шубҳа бўлди.

— Удумларимизда етти авлодди, наслнасабини суриштириш, деган гаплар бор. Шунинг учун...

— Мен бунақа удумларга ишонмайман, кўйинг, Оқилахон, болани туққанман, деб ҳужайинлик қилманг...

— Майли опа, ўзингиз биласиз...

Келинни суриштириб олсак ёмон бўлмас эди.

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин. Тагли-тахтисини олдингиздаги болага ўзингиз топиб оларсиз...

Шундай қилиб тўй бўлди. Оилага янги келин тушди. Бу кунларни энтиқиб кутган Раънохоннинг қўли олти, оёғи саккиз бўлиб, меҳмон кутди. «Келинсалом»да келинни кўчди. Топган тутгани ҳам, ўзим ҳам сизникиман деб онт ичиб ҳаммани кўлдирди.

Янги келин мисоли ниҳол. Қандай ўстирсангиз шундай усади. Келинлик хизматини адо этай деб, Раънохоннинг келини ҳовлига чиқди. Сув сепай деб пақир ўшлади. Келиннинг ҳар бир хатти-ҳаракатини уй ичидан кузатиб турган Раънохоннинг қалбида меҳр жўшиб кетди.

— Ҳай, ҳай, келин нима қилаяпсиз, ташланг пақирни?

— Нимага? — водопровод томон бораётган келинчақ қайнонасининг ҳаяжонли товушидан бир чўчиб тушди.

— Оғир кўтарманг, сув сепай деб овора бўлманг.

— Нимага? — дея келин-

хонага кирди. Хуллас келинчақ ҳеч қавққа бийлатмади.

Орадан кунлар ўтди. Келинчақ ўқишга боради, ўқидан чиқиб уйга келар, кунлари ниҳоятда зерикарли ва маъносиз ўтарди.

Бу орада у ҳомиладор бўлди. Набиралик бўлишини эшитган Раъно

билмаганини ўргатиш, қавм-у қариндошлар билан таништириш, мустақил таом тайёрлатиш, хуллас ҳамма-ҳаммасини ўргатиш қайнонанинг зиммасида экан.

Ана энди ёши ўтиб, сочи оқарганда, бели букчайиб, кўзлари хира тортганда Раъно хола янги тушган келин хизматидан бўшамайди, эрта билан туриб, ҳовли супуради. «Келиним ичсин», — деб нонушта тайёрлайди, ўғли Бахтиёрни қуяверинг, набираларини ҳам ўзи богчага кузатади. Кеч тушса олиб келади. Рузгорнинг барча юмушини қари аёл зиммасига ташлаб қўйган келини ҳам ўз ҳаётидан хафа, не-не умидлар билан бу остонага қадам қўйганди-я. Нима қилсин бечора. Икки қўшнига чиқиб қўшилолмайди. Эрининг опа-укалари билан борди-келди қилолмайди, ўзини яхши кўрсатиб, келиннинг қўлини совуқ сувга урдирмаган қайнонаси билан орақдан сирлашолмайди.

Уйда ҳар бир ота-она ўз фарзандига: — Яхши келин бўлгин, хизматинг билан дуо олгин, — дейишди. Бу тугри албатта. Шундай бўлиши ҳам керак. Лекин, келинчаққа қайноналар йўл бермасачи? Сохта меҳрибонлик ниқоби остида ошхонага киритмасачи? Биз қайноналар бу ҳақда уйлаб кўрайлик. Бўлар — бўлмасга аралашавериб, ёшларни юмшудан бездириб қўймайлик. Остонага яхши ният билан кирган келинимиз майли, турмушнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини, баланда-пастини кўрсин. Ахир «Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин-ку»...

Яна тонг отди... Раъно хола одатдагидек вақтли туриб, кўчага отланди, ранги униқиб кетган аравагани қўлига олиб, нон олиб келгани дарвозани очди. Келини эса уйго-нишини уйламай «пишпиш» ухларди.

Ҳа, келинчақ-а, ҳеч бўлмаса қайнонаг келишига чой дамлаб тураолгин...

Ҳафизахон ҲАЙИТМЕТОВА

ҚАЙНОНАЛИ КЕЛИН —



ҚАРҚАРА КЕЛИНМИ?

чакнинг ҳайрати ошди.

— Янги келинсиз... дарров ҳовлига чиқиб иш қилсангиз нима дейишадиган?

— Кимлар?

— Анави ҳовлидаги ойингиз... Ахир Бахтиёрим катта бўлиб уйланса, ҳамма хизматини ўзим қиламан деб орзу қилганман-а... Сиз яхшиси уйга кириб ухлайқолинг, мен ўзим...

Раъно опа келиннинг қўлидан пақирни олдию, уни уйга зўрлаб киритиб юбориб, ўзи сув сепди, ҳамма ёқни ёғ тушса ялагувдек қилиб супурди. Қайнонасининг бу қилмишидан келинчақ роса хижолат чекди, аммо начора Раъно опа ўзини келинчақга яхши кўрсатиш учун дам ҳовли супурди, дам ош-

узи ҳалиям келинчақдай юмшудан бўшамайди-я?

— Ҳа, энди ўзи туғмагандан кейин келини бола бўлармиди?

— Қайноналик қилишга ийманади-да, шўрлик...

Эл уртасида эъзоли тарбиячи саналган Раъно опа яхши келин бўлдию фақат яхши қайнона бўла олмади.

«Келинлик — бедиллик» дейишди, болам. Эрга тегиш осон, этик тортиш қийин? — дердилар онам раҳматлик. Аммо бугунга келиб, хизмат юзасидан кўплар билан суҳбат қўриб билдик-ки, қайноналик ҳам осон эмас экан. Бу ҳам илм, илм бўлганида ҳам жуда катта илм экан. Янги тушган келинни ёнида олиб юриш,

Газетхон хати

МЕНГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

Укам билан қариндошимизникига меҳмондорчиликка борган эдик. Укам ҳали жуда ёш, амакимининг ўғилларига қўшилиб уйнаб кетди. Мен ошхонада қўймаланишайтган келиноийимга унашдим. Хуллас кечгача меҳмон бўлиб, уйга қайтдик. Гапнинг индаллосини эшитинг: Кечқурун укам билан бирга да-

рс қилаётди, ручка сўрадим. У эҳтиётсизлик қилиб, «Ўзингиз ола қолинг, сумкамдан», — деб қолди. Не кўз билан кўрайки, амакиникида курган ручка сумка ичида турибди. Очиги, укамдан сира буни кутмаган эдим. Эҳтимол турт хил ёздиган, бежирим бу ручка уни оҳанрабодай узига тортган бўлиши мумкин. Ҳар қа-

лай болалар чиройли нарсалар уч бўлишади. Лекин у бировники-ку... Ҳайратомуз укамга қарадим, унинг кўзларидан бирор маъно ўқий олмадим. Уйда икков ёлғиз эмаслигимиз учун уни изза қилмадим. Ручкадан фойдаланиб бўлиб, яна жойига солиб қўйдим. Тўғриси нима қилишимни билмай қолдим. Ота-онамга айтишга тилим

бормасди. Укам хафа бўлмасин дейман-да. У мenden уялибми, кўрқибми, қочиб юрбди. Қолаверса, у ҳали ёш, «ўғирлик», «бировники», деган тушунчаларнинг фарқида бормаслиги мумкин.

Шу боис мен унга бу хатосини қай йўл билан англаштириш ва қандай танбеҳ беришга ҳайронман.

«Оила ва жамият» оммабоп газета. Уни тажрибали,

купни курган ота-оналар ҳам ўқишади. Сизлардан илтимос, менга маслаҳат бериңлар. Токи укамнинг билиб-билмай қилган бу хатоси ҳаммага аён бўлиб, мулзам ҳам бўлмасин, жазосиз ҳам қолмасин. Мактабда укамни «угри» дейишларини хоҳламайман.

Салом билан: **Мадина ШАРИФБОВЕВА.**

Хикоя

...Не кўз билан курсинки, эри энгашган кўйи шоша-пиша қора сатан иштонини кийишга уринар, лекин харчанд уринмасин, кийин кийналарди. Келин эса... ўзи илос қўйган, тўйида кўп хизмат қилган, кейинчалик оилавий жанжалларда ҳам орага тушиб муросяга келтиргани кўшни келин, бир қули белида, бир қули билан сим қаравотнинг бош тарафидида эълдирларини бураганча иш-шайганди... Ҳа, негадир иш-шайар, ҳадик аралаш унга боққан кузлари тешиб юборар даражада унга совуқ қадалган эди.

Орадан шунча йиллар ўтиб кетибди ҳамки, келинчакини эслаганда, иш-шайишю, совуқ нигоҳини қўради. Юраги бирдан музлаб кетгандай бўлади. Ушанда, айни уша дақиқада, унинг қалбидидаги муҳаббат ва садоқат деган энг азиз ҳис ва тўйғулар бетиға қора чиқиқ тортилгандай ва ўша, айни шу дақиқададан бошлаб у, ортиқ ҳеч кимга ишонмай қўйганди.

Ишонсиз яшаб буларканми олам-жаҳонда... Севган кишининг сотқинлигини билиш, унга ишонмасдан яшаш - ўлим билан баробар эмасми...

Айни уша дақиқада эса... У нима қиларини билмай қолди. Ҳамон қули қалтираганидан иштонини кияолмай, турдаги яланг қават қурпага чўккан қули унга мултиллаб қараётган эридан юзини шартта ўғирди, қўлидаги оппоқ тўфлини ишайишдан аёлнинг бетига итқиди-ҳ, чиқди-кетди... Бир оғиз ҳам гапирмай чиқди-кетди-я... Нега бундай қилди - билмайди.

Аслида нима қилиши керак эди! Бунни у ҳамон билмайдми. Баъзи аёллар сингари маҳаллан бошига кутариб дод солсинида, эрини қаргасинида, еки аёлни... Бунни ҳам у, ҳануз билмайдми.

Кейинроқ - анча кейин тушунди. Эри билан у келин ўртасида олдинроқдан алоқа бошланган. Уларга ёндош чала иморатни сотиб олиб келган кезлари бўлиши керак. Узи иккинчи боласига ҳомиладор кезлари... Кейинроқ эмизлик бўлиб қолди. Эри эса қўшинсинида ҳашарда қолиб

Холида АҲРОРОВА

кетди. «Ҳашар баҳонасида...» - бошида гўжон уйнайди таҳминлар... Нима бўлганда ҳам эрини йўқотиб қўйди. Қўшни аёл эса ёшгина, эндигина йигирмага кирган жувон турт болига кап-катта хотиннинг олдига похоло солиб қўйибди... «Шунча ёшу, шунча ҳайлакор...» - Стеллонинг сўзлари ёдига тушди...

Ҳа, бундай ҳаёлларнинг чеки йўқ. Ўзи эса бу ҳаёлларни хипчин олиб қўлайди. Булар

ларини жонидай яхши қўради - эр-хотин бошига кутарилади. Ёлғиз қолгач, уйга сийма қолди. Холи қолганларидан фойдаланиб эри гаплашиб олмақчи бўлди чоғи, «Болаларин қачон келишиди?» - деб гап бошлаши билан уни сийлаб солди-ҳа, ётоқонасига кирди. Эри эса хотини билан юзма-юз қўлашдан ҳайиқди чоғи ҳовлига чиқиб кетди...

Бундан фойдаланиб у қаравотидидаги чойшабини сийлаб тортиб, юмалоқлаб ерга қўрди. «Иш-далигимда уйга олиб кирган. Бари - ҳаром...» - деб шивирларди лаблари. Шифонери очиб атлас қўйлагини олиб кийди. Беихтиёр

кўзи дераза раҳида турган папирос билан гугуртга тушди. Ҳаёл билан гугуртнинг олди. Бир зум «шиқ-шиқ» қилиб шикиллатиб туриб, бирдан чарс этиб гугурт қақди. Лов этиб ёнган гугуртни юмалоқлаб ташлаган чойшаб устига олди. Гугурт чойшабга бориб тушиши билан сунди. У шахт билан гугуртни яна қақди, кимнидир эзгилаетгандай гугурт қўтисини қисмасдан обдон мажақлади-ҳа, оловни тутди. Мажақланган гугурт қўти ловиллаб ёниб кетди. «Бу ҳаромхонанинг қули кўкка соврилсин!» - деди қаҳр билан аёл ва ловиллаб ёниб турган қўтини чойшабга иргитди-ҳа, шартта бурилиб чиқди кетди. Қаёққа боради? Нима қилади? Бунни ўзи ҳам билмасди. Уни тўхтатиб қолаётган куч йўқ эди бу хонадонда. Қўш қорайиб қолган эди. Кўча эшикка етганида эрининг овози эшитилди:

«Хўснийжамол, - қақирди оҳиста.

Аёл индамади.

«Бемаҳалла қаёққа? - ситиб чиқарди саволни эри зурга.

У яна индамади. Ўн беш йиллик биргаликдаги ҳаётлари давомида умрида биринчи марта эрининг саволини жавобсиз қолдирди ва биринчи бор эшикни қарсиллатиб ёниб чиқди-кетди...

(Давоми бор)

БОРМИСАН,
ХАЛОСКОРИМ...

иш бўлди, буюғи синди... Шушу мўм тишлаб қолди. На қўшни аёлга, на эрига бир оғиз гапирмади. Нимани ҳам гапирсин. Эрининг афтига қарамади.

Хулласи калом. Дунё кўзига тор бўлиб кетди. Йўқ, у энди яшайолмайдми. Уйлаган уйи - ўлим бўлиб қолди. Лекин ёруғ дунёдан кетиш йўлини тополмади. Шу чоққа у ўзини ўзи ўлдирганларни кечирмасди - уларни иродасизликда айбларди. Ахир ҳаёт ўз номи билан ҳаёт-ҳа, дегувчи эди. Энди эса ўлим, унинг ўзига мушқулини осон қилувчи бирдан бир йўл бўлиб қўринаяпти.

Агарда эри очғини айтганда: сендан қўнғим қолди, бирга яшайолмайми, дегандами, ёинки, ёки мен шу қўшни аёлни севиб қолдим, дегандами - тушунса керак эди. Тушунмаганда ҳам тишини тишига қўярмиди... Лекин бундайин ўғринча, ифлослик билан иш тутишини, келинчакини эри билан ошна - оғайни-чилик қилиб туриб, хотинига кўз олайтиришини сира-сира кечиролмасди. Шунчалар ифлосми-я, у бир ёстиққа бош қўйган одам?! Эри учун ҳам уларди у. Унисиниям, бунисиниям кечиролмасди.

Энг тўғри йўл - ҳаётдан кўз юмиш бўлди унинг назарида. Болаларини онасиникига жўнатди. Онаси укаси билан туради - укаси бефарзанд, жиян-

МБН СИНО САБОҚЛАРИ

● Аллози асал билан қўшиб урилишдан қолган изларга қўйилади.

● Аллоз яраланаётган милкни битиради.

● Аллоз шароб билан қўшиб туқилаётган соғча қўйилса унинг туқилишини тўхтатади.

● Аллоз шароб ёки асал билан ишлатилса, орқа тешик ва эркаклар олатининг шишларига, тилнинг икки томонига мойланган мушак шишларига фойда қилади.

● Аллоз битиши қийин бўлган, хусусан бурун ва оғиздаги оқма яраларга фойда қилади.

● Аллоздан икки қошиқни совуқ ёки илқ сув билан ичилса, меъдани шилқилди ва сафровий чиқиндилардан тозалайди.

● Пиёзнинг уруғи доғни кеткизади.

● Пиёзнинг уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сугалларни қупоради.

● Пиёз суви бурунга юборилса, бош оғригини қолдирди.

● Пиёз қулоқ шанғиллаганда, йиринг ва сув пайдо бўлганда қулоққа томизилади.

● Пиширилган қовоқ иссиқ йўтал ва қўқрак оғриқларига фойдалидир.

● Қовоқнинг шираси айниқса, қизил гул ёки билан қўшиб ишлатилганда қулоқ оғригини босади ва мия шишларига фойда қилади.

● Қаттиқ тиш оғриғига қарши қовоқдан олинган шира бурунга тортилади.

● Сафродан бўлган иситмаларга фойда қилади.

Сандмурод САИДАҲМАД
тайёрлади

Ё, пирай!

«МЕҲМОҢ»НИНГ ЖИЯНИ

Болақайнинг йўл ёқасидаги олма дарахти мевасига отдан тош сира қутулмаганда уткинчи йўловчи бошига тушди. Йўловчининг танбехини эшитиб, «дом»дан бир аёл чопиб чиқди.

Тасодифи қаранг-ки, тоштар бола йўловчи йигитнинг жияни экан.

— Амакиси, тез-тез келиб, жиянингиз «улғаяёт»ганидан хабардор бўлиб туринг-ҳа, — деди йигитнинг кенойиси ва меҳмонни уйга тақлиф этди.

М. СУЛАЙМОНОВ

Ўқинг, қизиқ!

ИЛОҲИЙ ИЧИМЛИК

1516 йилда Испания Мексикани босиб олди. Бу ўлкада тилла куп деган хаёлга борган фотиҳлар бозорларга киришса мексикаликлар савдо-сотихда пул эмас, балки қандайдир бир дарахтнинг қуритилган мевасидан пул сифатида фойдаланишар экан. Ҳар кимнинг қиссасида бир ҳовуч, икки ҳовуч ана шунча «мева танга»лар... Нимаики хариш қилинадиган бўлимса «мева пулдан» санаб бериб олиб кетишавар экан.

Ажабо, бу уруннинг қандай қаромати бор. Уни ҳатто тиллага ҳам алмаштирса бўлар экан. Синчиқлаб сурштирса, бу ўзига хос «танга»лар Мексика чангалзорларида усувчи шоколад дарахтининг меваси экан. Одам ўтиб бўлмайдиган қуюқ ўрмонзорларда, қолаверса илон ва йиртқич ҳайвонларнинг маконига бориб уша дарахтнинг мевасини териб келиш гоят мураккаб бўлганлиги учун ҳам уни тиллага тенг деб билишар экан. Мексикаликлар ҳалиги мевани туйишар, сунг элладан ўтказиб қайноқ сувга чой қаби дамлаб ичишар, унинг номини «чокоатл», яъни «аччиқ сув» деб аташар экан. Агар ана шу «аччиқ сув»га шакар, ваниль қўшилса ҳозирги биз еб юрган шоколаднинг мазасини эслатадиган гоят шифобахш ичимлик ҳосил бўлади. Испаниялик фотиҳлар учун бу нарсаси жуда қўл келади. Босқинчиларнинг қаттиси Фернандо Кортес ўз қиролига ёзган мактубида бундай дейди: «Жаноби Олийлари! Биз айтқлар мамлакатда дарахтда усидиган тилла топдиқ, мевасини туйиб асал билан қайноқ сувга аралашти-

риб бир стаканини ичиб олган киши эртадан кечгача тўқ ва бардам юраркан экан. Биз жандан олдин асқарларнингизга ана шундан ичиригимиз. Бунда қандайдир илоҳий қувват борга ўхшайди. Бу ичимликнинг номи...!» Фернандо Кортес «чокоатл» сўзини испанча таллаффузда «шоколаде» деб ёзиб юборган. Ана шундан бунен бу дарахт «шоколад дарахти» деб юритилади. Ақтеқ тилининг шеvasида «какауатл» дейилар экан, бундан «какао» термини келиб чиққан.

Ботаника фанининг бобокалони Карл Линней усимликларнинг систематикасини тузганда какао дарахтига «теоброма» деган ном берди, «теос» худо, «бромос» — ичимлик, яъни илоҳий ичимлик берадиган дарахт маъносиди.

Утган асрда кимёгарлар какао таркибини текшириб қўрдишар. Таркибида 52 фоиз ёғ, 20 фоиз оқсил, 10 фоиз крахмал, 1,5 фоиз шакар моддаси борлиги аниқланди. Кишини тўқ тутатиладиган моддалар ҳам ана шулар. Яна 1,5 фоиз чехрадан ошадиган, ҳордиқ чиқарадиган, чарчатмайдиган модалар ҳам бор экан. Бу модалар бирмунча дориларга қўшилиб, лекин номи ўша одатнинг аталлишига қўра «тебромин» деб аталган. Бу термин учта сўздан таркиб топган бўлиб, латинчасига «оллоҳ», «ичимлик», «дори» маъносини англатади.

К. МАҲМУДОВ

Хоҳ ишонинг,
хоҳ ишонманг

БОЙИБ КЕТИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Массаж буйича йирик мутахассис, австриялик машҳур врач Карлосен Смит ўтган йили га-ройиб бир тажриба ўтказди. Унда мақсад, бурунни массаж қилиш... инсоннинг оддий ҳолатига таъсирини аниқлаш эди. Ва тажриба натижа берди: унда қатнашган 347 нафар одамдан 91 фоизи 18 hafta деганда роса бойиб кетди.

Доктор Смит ўз усули ҳақида шундай хикоя қилади: — У жуда жун: бурунда еттига нукта бўлиб (суратга қаранг), ҳар бири аниқ бир мақсадга хизмат қилади.

1-нуктанинг массажи лавозимни кутаришга йўналтирилган. 2-чисиники «Бели бакуват» қариндош-уруғларингиз сизга катта ҳа-

жмда пул муфокоти беришлари, 3-чиси, борди-ю, сиздан нотўғри солиқ олишган бўлса, ана шу ортиқча маблағнинг қайтарилишига, 4-чиси лотереянингизга катта ютуқ чиқишига, 5-чиси пул муфокоти олишингизга, 6-чиси бирор бир уйиндан, айтилиқ, купкарида, курашда бош совринни қўлга киришингизга ва ниҳоят 7-чиси эса маошингизнинг ошишига йўл очаркан.

Массаж ҳар кунни эрталаб ва кечқурун амалга оширилиши, у 10 секунддан ошмаслиги лозим. Ҳар бир нукта бир hafta давомида уқаланиб, сунг, истасангиз, 2 ва ҳоказо нукталарга утишингиз мумкин.

Мухтор БЕК тайёрлади

Ойла ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Боталар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шиориимиз:
Ойла - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топишириш вақти - 20.00.
Босишга топирилади - 18.30.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Буна индекси - яққа обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177
Рўйхатда олиш № 33
Буюртма Г- 0185
20964 А-узда чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.
Қоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Раҳмон ҚОДИР